

Боқий фикр

Тинчлик бўлган жойда
мана шундай мўл-кўлчилик,
фаровонлик бўлади,
одамлар ўз мақсадларини
рўёбга чиқаради.

Ислом КАРИМОВ



Kuch - bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqib boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 22-noyabr, shanba № 94 (8743)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан 2014 йил 24—25 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид кенг кўламли масалалар муҳокама этилади. Давлат раҳбарлари долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 118 400 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 231 575 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 231 575 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 142 100 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўйилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган

ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги қорхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобида иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ-4639-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 21 ноябрь

ОҚСАРОЙДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 ноябрь кун Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси Президенти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси Дидье Буркхальтер билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Швейцарияга ишончли ҳамкор, жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тутувчи, умумэътироф этилган халқаро иқтисодий ва молиявий марказ сифатида қарашини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Швейцария муносабатларининг муҳим масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплангани, мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асос яратилгани таъкидланди.

Ўзбекистонда Швейцария капитали иштирокида 77 қорхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 22 таси тўлиқ ушбу мамлакат сармояси ҳисобига ташкил этилган. Жорий йилда ҳам савдо соҳасида ижобий тенденция кузатишмоқда.

Шу билан бирга, ҳар иккала мамлакатнинг мавжуд салоҳияти ўзаро манфаатли бўлган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил кенгайтириш имконини бериши қайд этилди.

Учрашувда таъкидланганидек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги сиёсатга оид қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатларимизнинг позицияси яқин ёки ўхшаш экани БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик учун қулай шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Швейцариянинг 2014 йилда ЕХХТга раислигини қўллаб-қувватлагани эди. Президент Дидье Буркхальтер ЕХХТга раислигининг дастлабки аянлари бўйича ўз фикрини баён қилди.

Учрашувда долзарб халқаро масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2014 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

19 ноябрь кун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза қилди. Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари С.Отамуратов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси бир

қатор қўмиталарининг мажлисларида Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар вакиллари иштирокида олдиндан муҳокама этилди. Муҳокамадор чоғида мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини ижро этиш механизмни янада такомиллаштиришга қаратилган талай амалий тақлифлар билдирилди.

(Давоми 3-бетда.)


«КАМАЛАК» ЮЛДУЗЛАРИ» ПОРЛАГАН КЕЧА

Куз фаслининг фараҳли оқшоми. Биллурдек товланиб томаётган ёмғир томчилари дилларга ажиб бир ҳис бағишлайди. «Истиқлол» санъат саройини ёритиб турган ранг-баранг чироклар шуъласида ёмғир томчилари гўёки ерга дамалаб тушаётган мунчоқ доналарини эслатади. Саройнинг олдида ҳам бўлган кичкинтойлар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган яқинлари кўтариб олган соябонлар ҳам ўзига хос тасвирий санъат коллекциясини ёдга солади.

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида «Камалак» юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. «Камолот» ЕИХнинг «Камалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида 6—15 ёшли 698 нафар бола ўз иқтидорини намойён этди.

(Давоми 16-бетда.)

2014-yil — Sog'lom bola yili



Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларида самарали фойдаланиш масалалари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, шунингдек, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Корея Республикаси, Словения, Болгария, Мальтадан халқаро экспертлар, мамлакатимиз Олий суди ва Олий ҳўжалик суди, Адлия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вакиллари, ҳуқуқ соҳаси олим ва мутахассислари иштирок этди.

Семинар иштирокчилари Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ички ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Суд-ҳуқуқ соҳасини ислох этишга доир ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар, соҳага тааллуқли қонунчиликнинг мунтазам такомиллаштирилаётгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ах-

борот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори судлар фаолияти самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» тамойили асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун ушбу ислохотлар натижаларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кўриш мумкин. Бу юртимизда қонун ва инсон ҳуқуқлари устуворлигига асосланган демокра-

суд билан ҳамкорликда суд фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа яхши самара бермоқда.

Халқаро экспертлар Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «электрон ҳуқуқат» ва электрон ҳужжат айланишини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани юксак баҳолади. Соҳада ўзлаштирилаётган илғор технологиялар судлар фаолиятини тўлиқ ахборотлаштириш ва суд ишини электронлаштиришни кенгайтириш имко-

ишларга юқори баҳо берди. Ушбу судларда 2013 йилнинг 1 сентябридан даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда қабул қилиш тартиби жорий этилган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ўз хоҳишига кўра, Олий ҳўжалик суди веб-сайти орқали истаган ҳўжалик судига нафақат даъво аризаси ва илтимоснома, балки апелляция ва кассация шикоятлари, назорат тартибиде эътироз киритиш ҳақидаги ариза билан ҳам мурожаат қилмоқда.

2014 йил 1 сентябридан ҳўжалик судларида суд мажлисларини видеоконфе-

ро тажриба ва миллий амалиёт, судларда ахборот технологияларини жорий этиш тенденциялари, суд ишини электрон услубда юритиш, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда ахборот хавфсизлиги масалалари ва бошқа долзарб мавзуларга бағишланган маърузалар тингланди.

Халқаро семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонасининг «Фуқаролик судловини такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви» қўшма лойиҳасини амалга ошириш натижалари билан танишди. Улар фуқаролик ишлари бўйича Заңгиота туманларо судида бўлиб, «Е-SUD» суд ишини электрон услубда юритиш тизимининг тақдирот маросимида иштирок этди.

— Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилиши судлов ишлари жараёнини тезлаштириш имконини беради, — деди ахборот-коммуникация технологиялари масаласи бўйича мустақил эксперт Адриан Авеллино (Мальта). — «Е-SUD» суд ишини электрон услубда юритиш тизими лойиҳаси менда катта таассурот қолдирди. Бу тизим жуда самарали ва равион ишлашига гувоҳ бўлдим. «Е-SUD» Ўзбекистонда суд тизимини янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишига аминимиз.

Халқаро семинар қатнашчилари судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш механизмларини янада такомиллаштиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

СУД СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

тик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган сиёсат амалга ошириладиган далолатдир. Суд-ҳуқуқ амалиётида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш бу борада муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, ҳужжат айланишини электрон шаклга ўтказиш суд ишларини муҳокама қилиш ва қарор чиқариш жараёнини жадаллаштириш имконини бераётди.

— БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистон билан кўплаб йўналишларда, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда, — деди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан При-снер. — Ўзбекистон Олий

сени бераётгани таъкидланди. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, аҳолини алоқа хизматлари ва интернет билан таъминлаш соҳасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

— Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан танишдик, — деди Корея Республикаси Олий суди судьяси Йом Хожун. — Мамлакатимизда судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни кенгайтириш бўйича кўрилаётган ички чора-тадбирлар эътиборга моликдир.

Экспертлар Ўзбекистон ҳўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий қилиш бўйича амалга оширилган

ренцалоқа режимда ўтказиш тартиби йўлга қўйилди. Бундай тизим тадбиркорлик субъектларига ўзлари жойлашган ҳудуддаги ҳўжалик суди биносида туриб, бошқа ҳудудда бўлаётган суд мажлисида видеоконференцалоқа орқали иштирок этиш имконини бермоқда.

Семинар қатнашчилари судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши ошқо-ра ва одил судловни таъминлаш, судларда ҳужжат айланиш самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш, жамиятимизда ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича халқа-

Самарқандда «Жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Ўзбекистон тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Ф.Эберт номидаги фонднинг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий мамлакатлар экспертлари, Россия, Беларусь, Озарбойжон, Қозоғистондан вакиллар қатнашди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ф.Эберт номидаги фонднинг мамлакатимиздаги вакили Н.Резяпова ва бошқалар республикаимизда Президент

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароити яратиш, меҳнат ҳуқуқларини кафолатлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг меҳнат соҳасидаги қонунчилиги ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида кўрилаётган чора-тадбирлар халқаро стандартларга тўла мос келади. Аёлларга бола парвариши учун қўшимча меҳнат таътили бериш, бир қатор имтиёз ва энгилликлар жорий этилган. Меҳнат соҳасидаги муносабатларда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ходим ва иш берувчи ўртасидаги

масалаларни миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳал этишда касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг йўлга қўйилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Халқаро меҳнат ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир, — дейди Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бюроси вакили Харри Таллига. — Халқаро меҳнат ташкилоти хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашда оналикни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишларида иш олиб

бормоқда. Мазкур йўналишларда 17 халқаро конвенция қабул қилинган. Хотин-қизлар ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича ҳам мустаҳкам қонуний-ҳуқуқий асос яратилиб, тўла таъминланмоқда. Бу борада махсус давлат дастурлари ишлаб чиқирилиб, изчил амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Семинарда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалга оширилаётган ишлар айрим ҳудуд, қорхона ва ташкилотлар мисолида таҳлил этилди.

Халқаро экспертлар ва хорижий давлатлар вакиллари бу борада ўз мамлакатлари фаолияти ҳақида сўзлади ва Ўзбекистон тажрибасидан ўрганиш лозимлигини қайд этди.

Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

2014-yil 22-noyabr, № 94 (8743)

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2014 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Конунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети 2014 йилнинг тўққиз ойида аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги таъкидланди. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил январь ойида ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошириш ҳисобот даврида иқтисодиётнинг изчил равишда ўсишига ва макроиктисодий барқарорликка хизмат қилди. Бу даврда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши 8,4 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмларининг ўсиши 6,8 фоизни, чакана товар айланмасининг ўсиш суръатлари 14,2 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ҳисобот даврида профитит билан бажарилиди.

Машинасозлик ва металл ишлов бериш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил саноат, тиббий, озиқ-овқат саноати, қора металлургия саноати изчил ривожланди, уларнинг саноат ишлаб чиқариши умумий тизимидаги улуши ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан кўпайди. Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида кўрилатган чора-тадбирлар банкларнинг жами капитални ўсишини, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳоли депозитларининг, активлар ва кредит кўйилмаларининг кўпайишини таъминлади.

Жорий йил бoshidan буён амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар натижасида 777,8 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларда 465 мингта иш ўрни ташкил этилди. "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга оширишга катта эътибор қаратилиб, уни молиялаштиришга барча манбалардан 4,2 триллион сўм ва 200 миллион доллар маблағ йўналтирилди. Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва спорт соҳалари ўз вақтида молиялаштириб турилди, аҳолининг кам таъминланган қатламлари қўллаб-қувватланди. Саломатлиқ даражадаги бюджет маблағлари ажратилиши иш хақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини янада ошириш орқали аҳоли фаровонлигини изчил яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар

ни амалга ошириш имкониятини яратди.

Савол-жавоблардан кейин ушбу масала батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Полянте Свешников, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— ЎзЛиДеП депутатлари Давлат бюджетининг жорий

дан ижтимоий соҳага 5537,6 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2014 йилнинг 9 ойида ушбу кўрсаткич 13313,6 миллиард сўмни, яъни 2,5 баравар кўпроқни ташкил этди. Шу билан бирга ҳисобот даврида пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўртача миқдори жорий йилнинг январь ойига нисбатан 12 фоизга ошди, бу эса Ўзбекистон ХДП электоратининг манфаатларига мос келади.

Ўзбекистон ХДП фракциясининг фаолиятида касб-хунар коллежларининг битирувчиларини ўз мутахас-

са эшиттиришларни таъминлаш, кино маҳсулотларини яратиш ҳамда бошқа тадбирларга йўналтирилди. Бизнингча, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида ҳам маданият масканларини, "Баркамол авлод" болалар марказларини, мусиқа ва санъат мактабларини молиялаштириш учун бюджет харажатларини ошириш жуда муҳимдир.

Камола Ҳамидова, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджетининг 2014 йил тўққиз ойидаги

маблағларнинг салмоғи ортиб бормокда. Шунингдек, давлатимиз Орол бўйидаги экологик тадбирларга, сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга, биологик хилма-хилликни сақлашга, чиқиндиларни тўплаш ва уларни утилизация қилишга ҳам катта эътибор бермокда.

Депутатлар ҳар томонлама муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Мажлис чоғида депутатлар, шунингдек, мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб бoриладиган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Жумладан, парламент аъзолари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар. Қонун лойиҳаси мамлакатимизда жамоавий инвестициялаш тизимини ташкил этишни рағбатлантиришга, вақтинчалик бўш турган пул маблағларини сафарбар этишга ҳамда уларни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтиришга қаратилгандир.

Мажлисининг кун тартибига "Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир қўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам киритилди. Ушбу қонун лойиҳаси "Соғлом бола йили" Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси болаларни жисмоний, руҳий, ижтимоий, ахлоқий ва маънавий ривожланишига салбий таъсир қўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қиладиган қонунчилик қағолатлари ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни аниқ белгилаб қўйишга қаратилгандир.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Ҳар томонлама кўриб чиқишдан сўнг депутатлар ушбу қонун лойиҳаларининг асосий қондаларини маъқулладилар ҳамда уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Ахборот хизмати

Oliy Majlis Qonunchilik palatasida

йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқаётиб, мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатининг рўёбга чиқарилишини охириги беш йилнинг айнан шу даврлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилдилар. Биз Ўзбекистон Республикасида асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиши доимо таъминланмокда, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқлари янада мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам замин яратилган деган хулосага келдик. Бунда мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати ҳар доим профитит билан ҳамда Олий Мажлисининг иккала палатаси томонидан тасдиқланган мезонларга мувофиқ ижро этилмокда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида микрофирма ва кичик корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми кейинги беш йил мобайнида ошганлигини, бу эса, ўз навбатида, ягона солиқ тўлови тушумларининг кўпайишига олиб келганлигини таъкидлаш қувонарлидир. Солиқ юкининг мунтазам равишда пасайтирилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кредитлари ҳажмининг оширилиши кичик бизнеснинг жадал ривожланишига ижобий таъсир қўрсатди. Бу мамлакатимизда аграр сектор, фермерлик ҳаракати ривожланиши учун ҳам рағбатлантирувчи омил бўлди.

Искандар Азизов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага ажратилган маблағларининг ҳар йиллик ўсиши давлатимизнинг аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатимизда олиб бoриладиган ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш масалаларига бераётган эътиборининг ошаётганлигидан дарак беришини алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Мисол учун, агар 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг

сисликларида мувофиқ ишга жойлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар устувор масала сифатида белгиланган. Шу муносабат билан 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида касб-хунар коллежларини ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш учун сарфланган материаллар ва зарур хомашё билан таъминлаш учун давлат бюджетидан 8 миллиард сўм ажратилганлигини қайд этиб ўтишни истардим.

Жамила Ниёзова, Ўзбекистон "Миллий тикла-ниш" демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Беш йил давомида Ўзбекистон "Миллий тикла-ниш" демократик партиясининг парламент куйи палатасидаги фракцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама этишда фаол иштирок этди. Шунингдек, ушбу даврда бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди. Бутун бюджет жараёнини ўз ичига олувчи Бюджет кодексининг қабул қилиниши давлат молиясини бошқаришнинг халқаро стандартларига мос келадиган ягона қонунчилик базасини яратиш имконини берди, бу эса, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари манбаларини мустаҳкамлаган ҳолда барча даражадаги бюджет тизими даромадлари ҳамда харажатларининг ва, умуман олганда, бюджетлараро муносабатларнинг тартибга солинишини таъминлади.

Давлат бюджетининг 2014 йил тўққиз ойидаги ижросини муҳокама этаётиб, маданият, спорт ва оммавий ахборот воситаларига йўналтирилган харажатлар 2013 йилнинг айнан шу даврига нисбатан 19,8 фоизга ошганлигини қайд этиш муҳимдир. Ушбу харажатлар асосан спортни ривожлантириш, ахборот-қўлжонна марказлари ва иқтисослаштирилган кутубхоналарни молиялаштириш, музейлар, кўргазмалар ва кўргазма заллари, маданият уйлари ва саройлари, театр ҳамда мусиқа труппалари, телерадио кўрсатув

ижроси мамлакатимизда олиб бoриладиган ислохотларнинг суръатлари ва хусусиятига, замонавий ҳаёт воқеаликларига тўлиқ мувофиқ келади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илм-фанни ривожлантиришга йилдан-йилга кўпроқ эътибор бераётганлиги бизни қувонтиради. Бу мамлакатимизда инновациянинг иқтисодиётни вужудга келтириш юзасидан аниқ мақсадли ишлар олиб бoриладиган дарак беради. Хусусан, ҳисобот даврида илм-фан учун 113,9 миллиард сўм ажратилди, бу эса 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 11,7 фоизга кўпроқдир. Шу жумладан, 69,2 миллиард сўм тармоқлар бўйича давлат илмий-техник дастурларининг устувор йўналишларини молиялаштириш учун йўналтирилди. Шунингдек, инновациянинг ишланмалар дастурларини молиялаштириш, фанга хизмат қилувчи муассасалар ва ноёб объектиларни сақлаш, унинг ривожланиши билан боғлиқ бошқа харажатлар учун ҳам катта маблағлар ажратилди. Бу ҳар доим илм-фанга эътиборни кучайтириш, фан уюмларини ишлаб чиқаришга ва кундалик ҳаётга фаол татбиқ этиш тарафдори бўлиб келган партияимизнинг дастурий мақсадларига тўлиқ мувофиқ келади.

Сиддик Абдубоқиев, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоси:

— Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга сарфланаётган харажатлар йил сайин ортиб бормокда. Агар 2010 йилда ушбу тадбирлар учун ажратилган бюджет маблағларининг миқдори 48,9 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йил якунларига кўра, бу 122,8 миллиард сўмни, 2014 йилнинг тўққиз ойида эса деярли 320 миллиард сўмни ташкил этди. Бунда атмосфера ҳавоси ва сув ресурсларини яхшилаш, оқова сувлар учун тозалаш иншоотларини қуриш, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг муҳофаза қилиш учун давлат бюджетидан ажратилган

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Тошкент кимё-технология институтида кимё, нефть-газни қайта ишлаш ва озиқ-овқат sanoati инновацион технологияларининг долзарб масалаларига бағишланган илмий-технавий конференция бўлиб ўтди.**

Тадбирда миллий инновация тизимларини ривожлантириш йўналишлари, Ўзбекистонда инновация фаолиятининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, илмий-техник салоҳиятни мустаҳкамлаш, муҳим тадқиқотлар ва инновация жараёнларини кенгайтиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз юритилди. Кимё-технология, нефть-газни қайта ишлаш, қурилиш, металлургия, экология ва озиқ-овқат технологиялари соҳаларига оид қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

❖ **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицейда «Баркамол авлодни шакллантиришнинг ижтимоий-экологик жиҳатлари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунда юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши, давлат ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилиши, шунингдек, атроф-муҳит мониторингини давлат, идоравий ҳамда ишлаб чиқариш экологик назорати тартиблари белгилан қўйилган. Семинарда мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлиха маълумот берилди.

Тадбирда «Экосан» халқаро хайрия фонди ташаббуси билан суратга олинган «Харитага кирмаган саҳро» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

❖ **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида «Ёш авлод тарбиясида халқимиз маданий мероси ва қадриятларининг ўрни» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тарихчи олим ва археологлар кейинги йилларда юртимиздаги тарихий обидалар, археологик ёдгорликларда амалга оширилган илмий-тадқиқот ва таъмирлаш ишлари тўғрисида маълумот берди. Мазкур объектларни чуқур ўрганиш ва сайёҳлик йўналишларига киритиш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

❖ **Бухорода ёш олим ва талабаларнинг «XXI аср — интеллектуал авлод асри» шиори остида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари, Фанлар академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Истеъдод» жамғармаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган икки кунлик анжуманда ҳудудий босқичларда совинли ўринларга муносиб қўрилган 81 истеъдод соҳиби иштирок этди.

Конференция иштирокчилари вилоятдаги бир қатор таълим муассасалари ўқитувчи ва талабалари томонидан яратилган ишланмалар, дарслик ва қўлланмалар, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда эришилаётган ютуқлар акс этган кўргазмалар билан танишди.

Илмий-амалий конференция якунида тегишли фанлар йўналишлари бўйича голиб ва совриндорлар аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Таълим ва ишлаб чиқариш истиқболлари

Мамлакатимизда sanoat корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда. Илчил чора-тадбирлар натижасида макроиктисодий барқарорлик янада мустаҳкамланмоқда. Бу давлатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқ фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётир.

Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, инновацион технологияларнинг долзарб масалаларига бағишлаб ташкил этилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекчарм-поябзали» уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар, талабалар иштирок этди.

Институт ректори Қ.Жуманиёзов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда рақобатбардош, экспортбop ва импорт ўрни босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, ички тармок ва тармокларaro корхоналар ўртасида sanoat кооперациясини мустаҳкамлаш борасидаги изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий ҳошайёдан сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини янада кўпайтириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш доимий эътиборда. Бунинг самарасида Ўзбекистон тўқимачилик sanoati халқаро бозорда ўз макени тобора мустаҳкамлаб, хорижий ишлаб чиқарувчилар билан бемалол рақобатлашмоқда.

Тадбирда мутахассислар томонидан sanoatга инвестицияларни жалб этиш ва бу борада тўпланган тажрибадан янада самарали фойдаланиш, ушбу соҳани ривожлантиришнинг қонуний асослари ҳақида маълумотлар берилди. Шу билан бирга, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнини уйғунлаштириш, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш борасида фикр алмашилди.

Конференцияда пахта sanoati, механика муаммолари ва инновацион ечимлар, долзарб экологик масалалар, тўқимачилик, енгил, кимё ва матбаа sanoati, техника технологияси ва инновацион асосида уларни ривожлантириш, фундаментал, ижтимоий-иқтисодий фанларнинг тўқимачилик ва sanoatдаги ўрни, касбий таълимда инновацион ахборот ва педагогик технологиялар каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири

Барқарор ижтимоий психологик муҳит

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида «Республика ички ишлар идораларида барқарор ижтимоий психологик муҳитни таъминлаш — давр талаби» мавзусида ўқув-услубий семинар ўтказилди.

— Бугунги семинар-тренингда «Ички ишлар идоралари ходимлари орасида факултетада ходисалар профилактикаси» мавзусидаги маърузам билан катнашмоқдаман, — дейди Ички ишлар вазириликнинг қўриқлаш бирлашмаси психологик хизмат бўлини маси бошлиғи, катта лейтенант Ғўзал Маликова. — Ички ишлар вазирилиги тизимида психологик хизматнинг аҳамияти, ходимларнинг катта масъулият талаб этадиган хизматта муво-

фиқлашиши, жамоаларда ижтимоий-психологик муҳитни янги босқичга кўтариш, ходимлар ўртасида жипсликни мустаҳкамлаш масалаларига атирофлиха тўхталдим.

Айтиш жоизки, ушбу семинар-тренинг ички ишлар идоралари шахсий таркибининг таълим-тарбияси, касбий тайёргарлиги ва рухий ҳолатига масъул ходимларнинг ўзаро тажриба алмашишига ўзига хос имконият яратди.

— Келажакда ўз касбимиз-

нинг етуқ мутахассиси бўлишимизда бундай семинар-тренингларнинг аҳамияти катта, — деди Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби 4-босқич курсанти Ботир Қўрбонов.

— Бугунги савол-жавоблар орқали ўзим учун фойдали ва керакли маълумотларни олдим.

Семинар-тренинг якунида иштирокчилар мактабнинг «Рухий енгиллаштириш хона»сида яратилган шарт-шароитлар, барқарор ижтимоий психологик муҳитни таъминлаш бора-

сида олиб борилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишишди.

Хурлиман НУРЖАНОВА

Ёш олималарга эътибор

Тошкент давлат техника университетида Ўзбекистон хотин-қизлар «Олима» уюшмаси ҳамда ТДТУ билан ҳамкорликда «Республика интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда олима аёлларнинг иштироки» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Республика хотин-қизлар «Олима» уюшмаси раиси Р.Муртазоева, Тошкент давлат техника университети ректори Р.Саидхамедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамият ҳаётдаги мавқеини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, илм-фан, спорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

— Бугунги тадбирда ёш олималар эришган ютуқлар билан ҳам олималикни таништириш, иқтидорли хотин-қизларнинг илмий изланишларига маънавий кўмак беришга доир масалалар муҳокама қилинди, — дейди Тошкент давлат техника университети «Олима» уюшмаси бошланғич ташкилоти раҳбари Тўтихон Мухторова. — Олималаримизни жаҳон микёсига олиб чиқиш, халқаро анжуманлар, конгресслар ва симпозиумларда иштирокини таъминлаш бўйича режалар тузилди.

Анжуманда уюшма аъзолари томонидан амалга оширилаётган ишлар, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар таҳлил этилди.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» мухбири

Ҳуқуқий билимлар намойиши

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Тафаккур синовлари» республика танловининг мамлакатимиз олий ўқув юртлири талабалари ўртасидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, Адлия вазирилиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, «Камолот» ЕИХ марказий кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш муастак институтлари ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувнинг якуний босқичида Қарши давлат уни-

верситетининг «Адолат», Фаргона давлат университети, «Сарбон», Урганч давлат университети, «Ал-Хоразмий ворислари», Тошкент молия институтининг «Истиқлол фарзандлари», Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг «Катарсис» жамоалари иштирок этди.

— Танловдан кўзланган асосий мақсад ёшларимиз

ўртасида суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, янгиларни кенг тарғиб этиш, бу борадаги билимларини бойитиш ва изланишларини рағбатлантиришдан иборатдир, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги ҳузуридаги маънавият ва маърифат маркази ходими Бахтиёр Эгамбердиев. — Танловда ёшларнинг ҳар бир шартга пухта тайёргарлик кўргани ҳуқуқий соҳада юксак билим ва салоҳиятга эга эканлигидан дарак беради.

Х.НУРЖАНОВА

2014-yil 22-noyabr, № 94 (8743)

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайловига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Марказда ва жойларда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган тadbирлар дастурида белгиланган вазифалар изчи амалга оширилмоқда. Хусусан, депутатликка номзодлар рўйхатга олинди, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқоти фаол киришди.

Шуни қайд этиш кераки, амалдаги қонунчиликка биноан, депутатликка номзодлар ҳуқуқлари кафолатлари номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Унга мувофиқ, номзодлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тadbирларда, шунингдек, сайлов кuni овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи қатнашиши мумкин. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Оммавий ахборот воситаларида тарқатилган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Шу билан бирга, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиш берилади. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналари бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизга биноан, сайлов-

чилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Депутатликка номзодлар 10 нафарга қадар ишончли вакиллarga эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун

ятлар кафолатланиши белгилаб қўйилган. Бу эса сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари, хусусан, давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишида тенг имкониятлар яратилишини назарда тутди. Парламентларо иттифокнинг Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларациясининг 3-бандида ҳар бир номзод оммавий ахборот воситаларида чиқишда тенг имкониятларга эга бўлиши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон мазкур қоидаларга мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ амал қилиб, ушбу нормаларни те-

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Миллий сайлов қонунчилигимизда белгиланган номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пакт, Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1990 йилда қабул қилинган Инсонийлик мезонлари бўйича Колпенгаген ҳужжати, Парламентларо иттифоқ томонидан 1994 йилда қабул қилган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация, 2002 йил Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан рахбарий принциплар ва бошқа ҳужжатларда ушбу масала атрофида очиб берилган.

Масалан, Венеция комиссиясининг Сайловларга нисбатан рахбарий принципларида барча номзодларга тенг имкони-

гишли қонунларда мустақамлаб қўйди. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг яна бир афзаллиги шундаки, номзодларнинг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ фаолияти давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Маълумки, қонунчиликда белгиланган талаб ва қоидалар амалга оширилиши учун тегишли ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилади. "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунга асосан Марказий сайлов комиссияси номзодларни, сиёсий партияларни сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитлар билан таъминлаш, сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов, референдум янқларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тadbирлар кўради. Мазкур Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ эса Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди.

21-dekabr — Saylovlar kuni

Номзодлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлашда одил судлов муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 20-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

"Ўзбекистон Республикаси

вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризадини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам қажирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган қонун билан номзодлар ҳуқуқларини янада кенгрок ҳимоя қилиш, бунинг учун тегишли кафолатларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 51⁴-моддасида номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузганлик учун, 51⁵-моддасида эса номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлгон маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида депутатликка номзодлар ҳуқуқлари тенг ва адолатли равишда кафолатланган ва бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар яратилган. Мазкур кафолатларни таъминлаш учун тегишли тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, сайлов жараёнида барчага тенг ва адолатли имконият яратиш халқимизга азалдан хос бўлган ҳолислик, ҳалоллик, одиллик тамойиллари билан уйғундир.

Мирвазл МИРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
бўлим бошлиғи,
юридик фанлар номзоди

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



она эмас, балки маҳалла, жамият масъуллигига келсак, бу азалий

**8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi
Konstitutsiyasi qabul qilingan kun**

қадрият, халқимиз учун ҳаёт ва мамот ишидир. Иккинчи жиҳати, юрт қорига ярай диган фарзанд улғайтирган ота-онанинг жамиятдаги обрўси юқори, макеи банд бўлади.

Бундан уч йил муқаддам Учқўрғон туманидаги умумий ўрта таълим муассасаларида таълим-тарбияга оид

миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб «Бобоқжонлар» ва «Бувижонлар» мактаблари ташкил этилиб, бу ташаббус вилоят бўйлаб ёйилган. Қўзланган мақсад ягона. Рухан ва жисмонан

соғлом, маънан қучли авлодни тарбиялаш. Бу борада ҳаётий тажрибага эга кайвониларнинг педагоглар билан ҳамкорлиги ота-оналарнинг ўз фарзандлари таълим-тарбиясига янада жиддийроқ ёндашиш, уларнинг иқтидорлари ва истеъодларини тарбиялаш, ривожлантиришга эътиборини қучайтирди.

— Фарзанд тарбиялаётган ота ёки онанинг болани едириб-ичириш, кийинтиришдан-да кўра муҳимроқ маж-

бурияти борлигини англаб етишига қўмақлашдик, аникрофи, ёдига солдик, — дейди яна бир меҳнат фахрийси Соҳибжон Дадахонов. — Бу сый-ҳаракатлар маҳаллада ҳам олиб борилади. Ёш оила соҳибларининг эътирофича, одоб-ахлоқ тушунчаларини болалар онига синдириш, энг муқаддас миллий қадриятларимизни уларга ўргатишда мазкур мактабларнинг аҳамияти катта.

Дарҳақиқат, асрлар оша сайқаланган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган қадрият — фарзанд тарбияси учун масъуллиқдан кўра муҳим бурч йўқ халқимиз учун. Бу 22 йил муқаддам қабул қилинган Конституцияимизнинг 64-моддасида ҳам ўз ифодасини топган: «Ота-оналар ўз фарзандларини воёга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг вассийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағийшланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради».

Фанишер АКБАРОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Болапарварлик, болажонликда ҳеч бир халқ, миллат ўзбекининг олдига тушолмас керак. Азалдан халқимиз зурриётларининг бахти-камоли учун керак бўлса жонини фидо қилган. Аслида, фарзандларининг ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, келажакка жавобгарлик, мухтасар айтганда, таълим-тарбиясига масъуллиқ ҳиссини олий бурч, яшашдан бош мақсад сифатида қабул қилиш, уни рўёбга чиқариш учун интилиш халқимиз учун миллий қадрият даражасига кўтарилган.

Меҳнат фахрийси, халқ таълими аълочиси, қарийб 45 йиллик умрини педагогликка бахш этган Муҳаммаджон домла Йўлдошев Уйчи туманидаги Жийдакапа қишлоғида истиқомат қилади.

— Ҳар бир ота-она учун қомил фарзанд тарбиялаш, уни жамият, давлат учун наф келтирадиган инсон этиб воёга етказиш нафақат ота-оналик ёки оилавий бурч, балки элу юрт олдидаги мажбурият ҳамдир. Таълим-тарбияга шу нуқтаи назардан ёндашган оилаларда ноқобил, ношукур одам чикмайди. Болалари ноқобил ишларга қўл урмайди. Бола тарбияси учун фақатгина ота-

МАКТАБДА АВСТРАЛИЯ КЎШЛАРИ

Арносои туманидаги 8-умумтаълим мактабида педагоглар ва ўқувчилар эришган ютуқлари учун доимо моддий-маънавий рағбатлантирилиб борилади. Бу уларни ўз устида кўпроқ ишлашга, таълимда янгилик яратишга ундайди. Изланишлар натижаси ўлароқ, илғор педагогларнинг иш услублари, дарс ўтиш методлари ҳар йили туман миқёсида оммалаштирилмоқда. Хусусан, тарих фани ўқитувчиси Мунира Умарованинг «Темир асрга ўтиш даврида Марказий Осиёнинг ривожланиши» мавзусидаги дарс ишланмаси ёш педагогларга яхши қўлланма бўлди.

Дарвоқе, яқинда мактабимизга Австралиядан ўнга яқин сайроқи қўшлар келтирилди. Жанубий Австралия чўлларида учрайдиган бу парранда Жиззах иқлимига ҳам тезда мослашди. Улар дарахт ковакларига ин қўйиб кўпаяди. Ўт, мева уруғлари билан озиқланади. Энди ўқувчиларда зоология фанидан яна бир қуш турини яқиндан ўрганиш имкони бор.

Намоз ҚАРШИЕВ,
шу мактабнинг она тили
ва адабиёт фани ўқитувчиси

Ўтган йили 28 декабрда маҳаллий хомашёдан йилига 7,5 минг тонна ип ишлаб чиқариш қувватига эга «Жиззах Кентекс» корхонаси очилганди. Корхона қиймати 26,62 млрд сўмни ташкил этиб, ускуналар Туркия ва Швейцариядан

қизнинг ота-оналари кўнглидан ҳам шу ҳис кечмоқда. Қизим Клара ва Хуснора Маҳкамаларнинг айтишича, корхонада ишчиларга яхши шарт-шароит яратилган. Уч маҳал иссиқ овқат берилади. Махсус автобуслар ишхонага олиб бо-

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ оила фаровонлигига ҳисса қўшмоқда

келтирилган. «Жиззах Кентекс» маҳсулотларининг 50 фоизи ички бозорга чиқарилиб, қолган ярми экспортга йўналтирилади.

Кечагина касб-ҳунар коллежини битирган фарзандларимиз шундай замонавий корхонада ишлаётганидан мамнунмиз. Ўйлайманки, «Жиззах Кентекс»да меҳнат қилаётган 200 нафар йигит-

риб, уйга олиб келиб қўяди. Ҳамкасбларининг аксариятини касб-ҳунар коллежлари битириб, мустақил ҳаётга эндиgina қадам қўйган тенглошлари ташкил этаркан.

Кейинги йиллари вилоятимизда катта ўзгаришлар юз бериб, янгидан-янги корхоналар ташкил этилиши натижасида юзлаб кичик мутахассислар

Янги ўқув йилидан бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўйин тарзида ўргатишнинг илғор усулларини қўллаяпмиз. Чет тилини пухта ўрганиши учун ўқувчиға фонетик қоидаларни тушунтириш, ёлда сақлашга шароит яратиш зарур. Таълим оловчи ургунинг ўрнини аниқ билиши, янги сўз ва сўз бирикмаларини ўз вақтида ёд олиши

ҲАМКОРЛИКДА ТИЛ ЎРГАНАЯПМИЗ

лозим. Шу тариқа бола гапларни таржима қилиш, матнларни тинглаб тушунишга ўрганади, матн мазмунини хотирада сақлаб, саволларга тўлиқ жавоб беришга оdatланади.

Ота-оналар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Улар уй вазифасини бажаришда фарзандларига қўмаклашибгина қолмай, синфдан ташқари машғулотларда бирга қатнашишди. Ўқувчилар таржима қилган мақол, эртақ, топишмоқлар учун инглиз тилидаги деворий газеталардан алоҳида ўрин ажратилган.

Манзура ЙЎЛДОШЕВА,
Олтинқўл туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси



муқим иш ўрни билан таъминланмоқда. Масалан, «Жиззах Кентекс»да қишлоғимиздан 14 йигит-қиз иш-

Фарзанднинг етук инсон бўлиб улғайиши, ўзига муносиб касб танлашда ота-онанинг ўрни беқиссидир. Шундай инсонлар борки, улар нафақат намунали ота, балки ҳақиқий устоз ҳамдир. Менинг ҳам биринчи устозим — отам. 5—6-синфда ўқиётган пайтларим уйимизда Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»и, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»и, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар»и, Саид Аҳмаднинг «Уфқ»и, Пиримқул Қодиоровнинг «Юлдузли тунлар»и, Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» китоби ва бошқа

Фазилат МУРОДОВА,
Жиззах туманидаги
18-мактаб ўқитувчиси

ЎЙИНДА ЎҚИТУВЧИ — ДОНО ДЎСТ

Инсон икки қўзи ила кўради, икки қўлоғи орқали эшитида. Битта қалб унга бу йўлда ҳамроҳлик қилади. Жуда қизиқ ва олдий жараён. Ўз она тилимизда дунёни шундай таниймиз. Ҳўш, биз янаям кўпроқ тил билсак-чи? Унда дунёни тўрт қўз, тўрт қўлоқ ва икки қалб билан англашимиз мумкин. Тил билиш дунёқарашимиз ва имкониятларимизни кенгайтиради.

Инглиз тили ўқитувчисиман. Қарийб 25 йилдан бери болаларга тил ўргатаман. Мактабимиз қишлоқ ҳудудида жойлашган. Имкониятлардан фойдаланиб, болаларга чуқур билим бериш мақсадида чет тилини саҳна кўринишлари, ўйинлар асосида ўргатишга ҳаракат қилаяпман. Бунда ўзим ҳам ўқувчилар билан бирга рол ижро этаман. Ўқитувчининг ўйинга қўшилиши боладаги тортинчоқлик, кўрққиш ҳиссини йўқотиб, эркин фикрлашга ўргатади. Синфдаги ўзлаштириши паст ўқувчилар билан шу усулда машғулотлар ўтказиб, таълим самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Саҳналаштирилган дарсларимиз билан мактабдаги тадбирларда ҳам иштирок этаёпмиз.

Кансаят ҚЎРНИЯЗОВА,
Кегейли туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

КИТОБХОН ОТАЛАР

китобсеvar болаларни тарбиялайди

қўплаб асарлар жамланмаси бўларди. Отам ер билан тиллашадиган меҳнаткаш деҳқон, қўли гул боғбон эди, бўш пайтлари бадий китоб ва газета-журналларни мунтазам муталаа қиларди. Илк бор 5-синфдагиимизда отамга қизиқиб Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» китобини ўқиганман. Бадий китоб ўқиётганимни кўриб, хурсанд бўлган отам туманимиздаги кутубхона аъзолигига ёздириб қўйган. Ана шу ондан адабиётга меҳр қўйганман. Отам ўқиган китобим ҳақидаги таассуротларимни сўрашдан эринмасди. Биринчи шеърим матбуотда эълон қилинганида

ўзимдан-да кўпроқ севинган ҳам отам эди.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлганим боис ўқувчиларнинг қўлида кам китоб кўрсам, уйга толаман. Ҳатто баъзи болаларнинг зарурий ўқув адабиёт, дарсликларни ҳам батафсил ўқишга эриниши, ота-онаси бунга бефарқлиги жуда ачинарли. Ҳаётини кузатишларимдан билдимки, китобхон ота-она бағрида китобсеvar болалар вояга етади. Шунинг учун ўқувчиларимнинг ота-оналарига доимо китоб муталаа қилишни, бу борада фарзандларига намуна бўлишни уқтираман.

Орзиби
ТОЖИДДИНОВА,
Паркент туманидаги
1-мактаб ўқитувчиси

ЎҚУВЧИЛАРГА МУҲИМ АМАЛИЙ КЎМАК

Шу йилнинг май ойида мактабимизнинг веб-сайти ташкил этилган эди. Веб-манзил асосий кўрсаткичлар, меъёрий ҳужжатлар, ўқитувчилар жамоаси, иқтидорли ўқувчилар, психологик марказ, жисмоний тарбия ва спорт, фан ойлуклари, билимлар беллашуви, ахборот-ресурс маркази, электрон дарсликлар, энг фаол синф ва ўқувчи, маданий хордик, дарс жадвали сингари бўлимлардан иборат. Бундан ташқари, онлайн сўровнома, эълонлар, қайта алоқа, онлайн тестлар, телефон рақамлари қўйилган. Бўлимларга ўқувчилар учун фанлар йўналишидаги тестлар, якуний давлат имтихони билетларидан намуналар, видеодарслар, ўқитувчилар учун эса

дарс ишланмалари, фанлар кесимидаги давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, электрон дарсликлар, тақвим-режа кабилар жойлаштирилган.

Яқинда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини яхшилаш, АКТдан фойдаланиш бўйича дастлабки кўникмаларини шакллантириш мақсадида «Ёш дастурчи» тўғраги иш бошланди. Ўқувчилар машғулотлар давомида олган билимларини kitob.uz, ziyonet.uz, fikr.uz, utube.uz каби сайтлардан фойдаланиш орқали мустаҳкамламоқда.

Зумрад ҚУРБОНБЕКОВА,
Урганч туманидаги 38-мактаб директори

МАҲОРАТ УСТАХОНАСИ

Бухоро вилояти халқ таълими бошқармасининг методика маркази қошида «Касб маҳоратини ошириш устaxonаси» ташкил этилди. Бу ерда илғор тажрибалар оммалаштирилиб, ёш педагогларга амалий-методик ёрдам бериб боришмоқда. Ус-

тахонада ўқитувчилар 350 дан ортиқ дарс ишланмалари, 19 та ўқув фани бўйича тестлар жамланмасининг электрон версиялари ҳамда газета ва журналлар тўпламидан фойдаланишлари мумкин.

Айни пайтгача методист-

лар ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш мақсадида 4 та синф учун 6 та фан бўйича 42 та мавзу юзасидан методик тавсия ва дарс ишланмалари яратиб, жойларга етказишди.

Ирода ОРИПОВА

ҒЎЛАНИ ЎЗИ ЁРГАНДА ЭДИ...

рида Б.Шокоровнинг «Янги масаллар» китобидан олинган «Эшак ва эчки» масалини болажонлар шитириқда саҳналаштирдик.

Бир эшак ўрмонда ўтин кесиш билан шуғулланар экан. У дарахтларни кесиш, ғўла қилиб мижозларга етказаркан. Бир кун ғўлаларни одатдагидан узунроқ кесишди. Эски мижози Эчкининг уйига олиб борибди. Ғўлаларни кўрган Эчки:

— Бу ғўлалар печкага сигмайди-ку! Уларни калтароқ

дан бир ҳамён олтин чиқибди. Агар эшак қайсарлик қилмасдан ғўлани ёриб берганида, эҳтимол, олтинни ўзи топиб олган бўларди.

Масал ақунига етганда ўқувчиларимга юзландим. Улар қайсарлик, бирова яхшилик қилишни истамаслик ёмон одат эканини, бундай кишилардан омад ҳам юз ўгиришини яна ҳам яхшироқ тушуниб олишганди.

Ўқтамхон СОЛИЕВА,
Ёзёвон туманидаги
52-мактаб ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ — ЭРКИН ФИКР МАЙДОНИ

Тошкентда "Ўзбекистон матбуоти" IV Миллий форуми ва кўргазмаси бўлиб ўтди

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур форумда сенаторлар ва депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, марказий ва ҳудудий босма ва интернет нашрлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, медиа соҳа экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У.Муҳаммадиев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзохидов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида миллий медиа соҳасини изчил равишда тўлдириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун кенг қўллаб-қувватлаш имконияти ва шароитларни яратиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид тизимли ислохотлар амалий натижалар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг янги босқичини бошлаш, давлат ва жамият қурилишини янада либераллаштириш бўйича устувор вазифалар, миллий медиа маконини модернизация қилишнинг замонавий тенденцияларини белгилаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирларнинг амалга

оширилиши натижасида медиа соҳа жадал ривожланиши, ОАВ, айниқса, нодавлат оммавий ахборот воситалари сони ўсишида ижобий кўрсаткичлар кузатилмоқда. Бугун рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари 1400 дан ошди, оммавий ахборот воситаларининг умумий сонига нодавлат сектор улushi 2010 йилга нисбатан деярли икки баробар кўпайган.

2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, нашриётлар 107, матбаа корхоналари 1514 тани ташкил этди. Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг учдан бир қисми интернет тармоғининг фойдаланувчиларидир. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси 12 телерадиоканалдан иборат. Соҳага рақамли ва мультимедиа технологиялари жорий этилмоқда. Миллий телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 мамлакатига чиқиш имкониятига, 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри халқаро каналларга эга бўлиб, интернетдан реал вақт режимида эфир амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича давлат дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ахборот соҳасини демократлаштиришга доир долзарб вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази каби ташкилотлар изчил фаолият юритмоқда.

Форумда нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг тақийли-хуқуқий асосларини ривожлантириш — ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, ахборот соҳасини либераллаштириш, Ўзбекистонда оммавий ахборот



турли ахборот хуружларидан ишончли ҳимоялаш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар

лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари 2 баробарга камай-тирилди.

"Ўзбекистон матбуоти" IV Миллий кўргазмасида мамлакатимизнинг етакчи даврий босма нашрлари, ахборот агентликлари ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида эришилган ютуқларни намойиш этмоқда. Бу йилги кўргазмада марказий ҳамда ҳудудлардаги ёшлар даврий нашрларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўргазмада "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида навқирон авлод онгу шуурини турли маънавий таҳдидлар, "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ишончли ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирлар, жумладан, мамлакатимиз нашриётлари, босма оммавий ахборот воситаларида мазкур йўналишда эълон қилинаётган материаллар, босма манбалар билан иштирокчилар атрофича таништирилди.

— Нашриётимиз жорий йилда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Жавондаги юз жавоҳир» руқни остида ўзбек ва жаҳон адабларининг энг сара асарларини китоб ҳолида чоп этиб, ўқувчиларга тақдим этди, — дейди «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази бош муҳаррири Маъмура Қутлиева. — Шу билан бирга, болаларнинг ижодий-интеллектуал савиясини ошириш, чет тилларни ўрганишга оид қўллаб-қувватлаш йўналишларидаги китоб, қўлланмалар ва луғатлар ёш китобхонлар учун ўзига хос тўхфа бўлди.

Кўргазма доирасида "Соғлом бола йили" Давлат дастурига асосан нашр этилган болалар адабиёти кўргазмаси ташкил этилди. Унда йигирмадан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



воситалари фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини ривожлантириш — улар мустақиллиги ва эркинлигининг энг муҳим шарти каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

«Ўзэкспомарказ» да «Ўзбекистон матбуоти» IV Миллий кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўшбу кўргазмада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги нашриётлар, босма оммавий ахборот воситалари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, юксак маънавиятли авлодни вояга етказиш, ёшларни



Кейинги йиллари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар алоқа-аралашувнинг муҳим воситаси, ижтимоий ҳодиса бўлган тил ва унинг тадқиқи билан шуғулланувчи тилшунослик тараққиётида ҳам янги даврни бошлаб берди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми-нинг берилиши, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тан олиниши тилимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи, истеъ-мол доирасининг кескин кенгайишига сабаб бўлди. Она тили-миз эндиликда сон-саноксиз газета-журналлар нашр этила-диган, илмий-тадқиқотлар олиб бориладиган, глобал тармокқа тўғридан-тўғри маълумот узатиладиган, расмий ҳужжатлар юри-тилинадиган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган турли-туман маҳсулотлар зарвараги расмийлаштириладиган, чет элликлар ўрганаётган тилга айланди. Бу мустақил давлатнинг расмий тили бўлган ўзбек тили олдиға ҳар қачонгидан ҳам катта та-лабларни қўймоқда.

“Давлат тили ҳақида” қонуннинг 7-бандида “Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади”, деб қатъий белгилаб қўйилган бўлса-да, адабий тил услубларининг тараққий этиши, ёзма нутқ маданиятининг ўсиши, ёзувнинг ўзгариши, компь-ютер лингвистикаси тараққиёти, матбуот ва нашриёт ишларининг кенг ри-вожланиши натижасида сўнгги йил-ларда имловий ва услубий меъёрларга қараганда тиниш белгиларини қўллаш билан боғлиқ илмий қоидаларнинг бу-зилиши тез-тез кўзга ташланмоқда. Айниқса, нуқта, вергул, тире каби кўпфункцияли тиниш белгиларининг лоқайдлик билан пала-партиш ишла-тилиши ёзув маданиятига, у орқали миллий маданиятга футур етказмоқ-да.

Ёзувнинг бир қисмини ташкил этувчи тиниш белгилари системаси ва уларни қўллаш қоидалари ўтган аср ўрталаридаёқ ишлаб чиқилган. Бироқ қоидалаштиришда кўп ўринларда пун-ктуациянинг умумий меъёрларидан ке-либ чиқиб ёндашилганлиги; истиқлол-дан сўнг ўзбек тили грамматикаси-нинг миллий нуқтаи назардан тадқиқ қилиниши натижасида тилнинг грам-матик қурилиши таълиқнида юз берган ўзгаришлар; матбаачилик, матбуот, нашриёт ишларининг тараққий топи-ши; компьютер лингвистикаси тарақ-қиёти — тиниш белгиларининг элект-рон матнларда автоматик қўлани-ши билан боғлиқ муаммолар; пункту-ацияда синонимия, вазифадошлик, кўпмавзоилик каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши; нутқни исхамлаштириш, таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қилувчи айрим тиниш белгилари функ-циясининг ортиши; “муаллиф пункту-ацияси”, бадий адабиёт ва публици-стикада турли қолипларга дахлсиз эр-кин ижода кенг йўл очилиши нати-жасида тиниш белгиларининг поэтик мақсадларда ишлатилаётганлиги ва бошқалар соҳада янги-янги муаммо-ларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Санаб ўтилганлар тилшунослигимиз-да мавжуд пунктуацион меъёрларни ўзбек тилининг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб ислоҳ қилишни кун тар-тибига қўймоқда. Ўзбек тилининг пун-ктуация қоидалари махсус тадқиқот ишларида ёритилган, дарслик, қўл-ланмаларда акс этган, бироқ ҳозирга қадар унинг меъёрлари имло қоида-лари каби расмийлаштирилмаган. Ти-ниш белгиларини қатъий меъёрга со-либ бўлмайди деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Меъёр — ўзгарувчи ҳодиса. Давр ўтиши билан турли сабабларга кўра ҳар қандай қоида-қонуниятлар ўз

кучини йўқотиши, айрим бандлари такомиллаштирилиши мумкин. Модо-мики, гап тил меъёрлари ҳақида бо-рар экан, унда услубий қўлланиш-лар билан боғлиқ чекинишлар бўли-ши табиий. Ҳатто имлода ҳам айрим сўз ва қўшимчаларни ёзишда ҳар хил-лик, мавжуд умумий меъёрлардан чет-лашиш ҳоллари учрайди. Масалан, ак-сарият “г” ҳарфи билан бошланувчи -га, -гач, -гани, -ган, -гина каби қўшимчаларнинг баъзи сўзларга қўшилганда -ка/қа, -кач/қач, -кани/-қани, -кан/қан, -кина/қина тарзида, буюр+қ, сўра+қ, онг+ла, йиғи+ла, ўйин+а, сариқ+ай, қийин+а каби сўзларнинг буйруқ, сўроқ, агла, йи-гла, ўйна, сарғай, қийна тарзида, ба-дий ва публицистик услубда -ми, -дан, -ар, -дир, -гани, -нинг каби қўшимчаларнинг -му, -дин, -ур, -дур, -гали, -им шаклида ёзилиши ор-фографиянинг махсус фонетик, мор-фологик, этимологик ёзув каби қоидаларига асосан меъёрлаштирили-ди.

Маълумки, нутқ бир қанча хусу-сиятларига кўра тасниф қилинади. Бу-гунги кунга келиб ёзма нутқни ти-ниш белгиларининг қўлланишига кўра ҳам икки турга бўлишга тўғри келаё-тир:

1. Тиниш белгиларига қатъий амал қилинган ёзув.

2. Тиниш белгилари муаллиф услу-бига кўра қўлланган ёзув.

Тиниш белгилари фақат жиддий соҳа — илмий, расмий услубларда, илмий-сиёсий матнлар, газеталардаги на қатъий меъёрий талабларга кўра ишлатилаёпти, десак катта хатога йўл қўймаган бўламиз. Бадий адабиёт ва публицистикада муаллифларнинг асо-сий мақсади ижод маҳсулини таъсир-чан, жозибдор, ўқишли, бозор иқти-содиёти талабларига мос қилиб яра-тишга қаратилиб, тилнинг мавжуд ил-мий меъёрларидан бири — тиниш бел-гиларининг қўлланишига эътибор бе-риш ихкинчига даражалли иш бўлиб қо-лмоқда. Кўпчилик бу ҳолни адабиётда-ги эврилишлар — инсон руҳиятига хос сезимларнинг шаклдан-шаклга эмас, тўғридан-тўғри тафаккурдан-тафак-курта узатилаётгани, онг оқимига асосланган матнларда мураккаб ҳолат-даги тиниш белгиларини қўллашга эҳтиёж йўқлиги билан изоҳлашга ҳа-ракат қилади. Айниқса, “сарик матбу-от” деб аталаётган соҳанинг тараққий этиши бунга кенг имкон бераётир. Миллий тил бойликларидадан фойда-ланаётган ҳар қандай ижодкор, авва-ло, саводли бўлиши керак. Муаллиф услубида меъёрлардан кескин узоқла-шиш тил маданиятига путур етказди. Негаки, ҳар бир давр тили намунаси

бўлган мавжуд бадий асарлар шу давр тил қурилишини ўрганишда асос қилиб олинади. Муаллифлар шуни унутмасликлари керакки, дейлик, минг йилдан сўнг бутунги давр тили ҳолати ўрганилса, асосан, шу даврда яратилган асарларга таяниб ҳулоса чи-қарилади. Латифада айтилганидек, барча чиройли фикрларини айтиб бўлгач, жумла охирида вергул, нуқ-та, тире, ундов каби белгиларни бир сафта териб: “Энди ўз жойларингга бориб олаверинглар” қабилида иш ту-тиб бўлмайди.

Айни пайтда пунктуация соҳасида учраётган муаммоларнинг айрим са-баблари хусусида тўхталиб ўтаимиз.

Муаллиф пунктуацияси

Тилнинг грамматик қурилиши шу тилда реаллашган нутқ парчаси асо-сида талқин қилинади. Бундай пайтда шу давр тили намунаси бўлган бирор ёзувчи асаридан асос келтирилади.

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ПУНКТУАЦИЯСИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Пунктуация меъёрлари ҳам ҳар бир тилнинг синтактик қурилиши тадқиқи жараёнида ишланиб, аниқлашиб бо-ради. Пунктуациянинг умумий қоида-лари, масалан, гап охирида нуқта, сўроқ ёки ундовнинг ишлатилиши, уюшқч бўлакларнинг вергул билан ажратилиши, қўшма гаплар орасида бирор тиниш белгисининг қўллани-ши барча тиллар учун деярли бир хил. Ўтган аср бошларида миллатимиз зи-ёлилари — шоирлар, ёзувчилар, олим-лар, журналистлар мавжуд умумий пунктуацион меъёрларга таяниб ўзбек пунктуациясини шакллантиришга са-бабчи бўлдилар. Пунктуация қоидала-рини ишлаб чиқишда уларнинг асар-лари тадқиқ манбаи бўлиб хизмат қилди. Аммо тиллар келиб чиқиши, ривожланиш қонуниятлари, синтак-тик қурилиши билан бир-биридан фарқланади. Даврлар ўтиши, фанинг тараққий этиши билан боғлиқ мав-жуд қоида-қонуниятлар тилнинг мил-лий табиатида келиб чиқиб ўзгариб, такомиллашиб бораверди. Шуниси ҳам борми, ҳар доим ҳам, яъни пун-ктуация меъёрлари белгилаб бўлинган-дан сўнг ҳам ёзувчиларнинг тиниш белгиларидан ўз услубига кўра фой-даланиши ёки ислоҳ этишга урини-шга таяниб турли-туман қоидалар яратилавермайди. Бундай ҳолатга тил-

шуносликда “Муаллиф пунктуацияси” деб қаралади.

“Муаллиф пунктуацияси” тушун-часи икки маънода қўлланади: 1) му-аллиф қўлёзмасида муаллиф томони-дан белгиланган қатъий меъёрларга асосланган ва асосланмаган ҳолда иш-латилган барча белгиларга нисбатан; 2) мавжуд меъёрларга бўйсунмаган, қоидалардан четлашган ҳолатда қўлланган тиниш белгилари, яъни му-аллифнинг услуби билан боғлиқ иш-латилган белгиларга нисбатан. Илму-нослигимизда бундай ҳодиса махсус ўрганилмаганлиги боис, яқинга қадар ўзига хос тарзда ишлатилган тиниш белгиларига “услуб талаби билан” тар-зида изоҳ бериб кетилар эди.

Тиниш белгиларини индивидуал қўллаш — муаллиф пунктуациясининг юзага келишига қуйидагилар сабаб бўлган:

Биринчидан, ёзувчи ижод қилган даврда пунктуация меъёрлари қатъий

яланг бош, яланг оёқ, ятакчан оғил эшиги ёнида туриб, дағ-дағ титрай-ди... (А.Қаҳҳор); Саккиз-тўққизда бу-тун-бутун асарларни — илмий, фалса-фий, шеърый — завққа берилиб муто-лаа этган. (Ойбек), Пахтакор ўзбек-ман — забардаст, мағрур. (Ф.Ғулум)

Бутунги кунда ҳам матнларда баъ-зан вергул билан тиренинг ўрин ал-машиши кузатилади ва бу ҳолатга нис-батан тиниш белгилари синонимияси деб қўйилади. Демак, муаллиф пунк-туацияси келиб чиқшининг асосий сабаби пунктуация қоидалари аниқ ишлаб чиқилмаган даврга бориб та-қалади.

Иккинчидан, пунктуацияда умумий меъёрлар ишлаб чиқилган, бироқ му-аллифларнинг турли асосларга кўра ти-ниш белгиларини қўллашда индивиду-ал ёндашиши давом этаверди. Ҳар бир даврда тиниш белгиларининг вазифа-лари, қўлланиш шартларида ўзгариш-лар бўлиши мумкин. Бу ўзгаришларнинг

юзага келиши ва оммалашishiда шу давр ижодкорлари — олимлар, ёзувчи-лар асосий рол ўйнайди. Бундай қонун-қоидалар четлашиш пунктуация истиқ-болидаги замонавий умумий ғояларни акс эттиради ва аста-секинлик билан боғ-лиқ қоидалардан чекиниш билан ун-райди. Бироқ шуни айтиб ўтиш ке-ракки, шу давр маҳсули бўлган муял-лифлари бошқа-бошқа асарларда ти-ниш белгиларининг ишлатилишида мавжуд умумий пунктуацион (кўпга-на тиллар учун умумий бўлган) меъ-ёрларга амал қилишда ҳам, ўзбек тили қурилишидан келиб чиқиб хусусий пунктуацион қонуниятларни шакл-лантиришда ҳам бир хиллик кузати-лади. Айниқса, Абдулла Қаҳҳор, Ой-бек, Ғафур Ғулум асарларида тиниш белгиларини қўллашга қатъий ёнда-шиш сезилади. Шу сабабли тиниш бел-гиларининг қўлланишини қоидалаш-тираётганда ҳатто ҳозирги кунда ҳам мазкур адиблар асарларига мурожаат этиш ҳоллари кузатилади. Аниқроғи, пунктуация тарихининг дастлабки босқичларида муаллиф услуби пун-ктуация меъёрларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилган. Умумий қоида-лардан чекиниш бўлган ҳолларга нис-батангина индивидуал услуб сифати-да қаралган: Масалан, вергул ва ти-ренинг ўрин алмашиши: Қолиб бобо,

ришлар, ижодкорнинг барча қоида-лар, қолиплардан ўзини холи ҳис этишга уриниши ҳатто таниқли адиб-лар ижодида ҳам тиниш белгиларини муаллиф услуби деб изоҳлаш мумкин бўлмаган тарзда ноодатий тарзда қўллашга сабаб бўлмоқда.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш керак-ки, муаллиф пунктуациясининг кели-б чиқишига қайсидир маънода, на-заримизда, кейинги давр ижодкорла-рининг ё тиниш белгиларини қўллаш қоидаларидан беҳабарлиги ёки нашри-ётларда таҳрир жараёнларининг суст-лиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Тиредан индивидуал фойдаланиш, айнақса, қисқа, лўнда нутқли муял-лифларда сезилади. Дейлик, Тоғай Мур-од услубида тиренинг фаоллигини ошириш нутқ воситаларини “иқтисод қилиш” билан боғлиқ: Сизга ёлгон, менга чин. Манави бармоқларим билан санаб айтман: овозларинг ичида чол-никиям бор — бир! Ёшникиям бор —

икки! Момоникиям бор — уч! Қизникиям бор — тўрт! Чақалоқникиям бор — беш! Хў-ўш, бешта бўлими? Хуршид Дўстмуҳаммад эса нутқ воситаларини тежашда кўп нуқтадан ўринли фой-даланади: Фақат, қўндан бўён кўнглим-га тугиб юрган орзум-армоним ҳурма-ти сўнгги марта хат ёза қолай.....; Майли, уларнинг сони кўнайсандан-кўнайсин, аммо Сиз ёлғиз мени, ҳўп?

Кел, оқибатли Дўст, беғубор туй-ғуларимиз киссасига ғоятда оддий, лекин бағоят юксак мақомдаги сўзсиз савол-жавобимиз нуқта вазифасини ўтасин:

— —? —! (“Мен — сенсиз, Сен — менсиз”)

Х. Дўстмуҳаммад услубида тиниш белгиларининг ўзига хос тарзда қатор ишлатилиши ҳам муаллиф индивиду-аллигини белгилаб беради: — Қаерда-саанни?????!!!!!! — дея оҳ чекади. Тап тортмай тақорлайверади: — Қаерда-саанни?????!!!!!! (“Мен — сенсиз, Сен — менсиз”)

Кейинги давр ёзувчилари услубида жаҳон адабиёти таъсирида тиниш бел-гиларидан бутунлай воз кечишни мах-сус услубий қўлланиш сифатида кўриш мумкин:

Ўқувчилар шеърни айтиш жараёнида қўллари билан сувнинг оқиш ҳаракатларини кўрсатдилар. Дарс сўнгида мавзуну мустаҳкамлаш учун гу-руҳлар ўртасида викторина ўтказилди. Болалар О ҳарфи сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида ке-лишига мисоллар айтди: оила, олма, олтин; тоғ, боғ, болта; сахро, зукко, доно ва ҳоказо....

Жумагул Бердиева узоқ йиллардан бери Қумқў-ргон туманидаги 25-умумтаълим мактабига бош-лангич синфларга сабоқ беради. Педагогнинг са-марали меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, жо-рий йил 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кун и арафасида Президентининг фармониға бино-ан «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони билан тақдирланди.

Фурқат АЛИМАРДОНОВ

Millat mulki

даврлар ўтиши билан бу меъёрга ай-ланиши ҳам мумкин. Ажратилган изоҳ бўлаклар, одатда, гаплан вергул бил-лан, агар ажратилмиш кенгайган ҳолатда ёки уюшган бўлиб ўз ичида вергуллар ишлатилса, тире билан че-гараланиши қоидалаштирилган. Аммо кўп ҳолларда уларнинг ёзувда бир-бирининг ўрнида ишлатилиши ҳам кузатилади.

Кўчирма гап, асосан, қўштирноққа олинади: И.В.Гёте шундай деб айтган эди: “Доншиманлик фақат ҳақиқат-дадир”. Бадий асарларда, кўпинча, диалогларда кўчирма гапнинг тире бил-лан чегараланиши ҳам кузатилади: Зайнаб унга ҳасадлини қаради ва куч-ланиб айтди: — ҳали ёшга ўхшайсиз-ку. (А. Қодирий)

Тиниш белгилари вазифадошлиги-нинг юзага келишини лингвистик жи-ҳатдан табиий жараёи деб қабул қилиш мумкин. Тил учун бу салбий ҳодиса эмас. Фақат таълим жараёнида — ўқиш-ўқитиш ишларида мавжуд қоидалардан четта чиқмаслик лозим.

Ҳозирги ўзбек пунктуацияси — меъёрлаштирилган система. Меъёр ўзгарувчан ҳодиса бўлиб, ёзувнинг та-комиллашуви, қолаверса, тилшунос-ликда қўлга киритилган ютуқлар пунктуацион меъёрларнинг ҳам ўзга-риб туришига сабабчи бўлади. Истиқ-лол туфайли тил ҳодисаларига мил-лий нуқтаи назардан ёндашиш, турли замонавий усуллар асосида талқиқ этишга имкон туғилди. Тилшунослик-нинг барча сатҳларида сезиларли ўзга-ришлар юз берди. Фёлыннг туркий тиллар гап қурилишида тутган ўрни-га кўра мустақил сўзлар ичида бирин-чи ўринга чиқарилиши, кесимнинг гап маркази сифатида талқин қили-ниши, тобе таркибли қўшма гаплар таснифи ва тадқиқида юз берган ўзга-ришлар айрим тиниш белгиларининг қўлланилиши масалаларини ҳам мил-лий тил нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш эҳтиёжини юзага келтирмоқ-да. Тиниш белгиларини қўллаш билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқи-шига компьютер лингвистикаси тар-монининг кескин ривожланиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Юқоридagi масалаларнинг ечими пунктуациянинг тилшунослигининг бошқа соҳалари — синтаксис, орфо-графия бўлимлари, шунингдек, ада-биётшунослик, компьютер лингви-стикаси фанлари билан ҳамкорликла-ги тараққиёти давомида ойдинлашиб боради.

Тил миллиатники. Меъёрни давлат белгилайди. Шундай экан, тилдан тур-ли мақсадларда фойдаланаётганда истеъмолич фақат озгаки нутқда эмас, балки ёзма нутқда ҳам мавжуд ада-бий меъёрлар — имловий, пункту-ацион, стилистик меъёрларга тўла амал қилишга мажбур. Негаки, тил — мил-лат қиёфасини кўрсатадиган кўзгу. Тиниш белгиларини ноўрин қўллаш фақат гап мазмунини, мақсадини, грам-матик қурилишининг бузилишига олиб келмайди, балки миллий мада-ниятнинг бир қисми бўлган ёзувга доғ туширади.

Башорат БАХРИДИНОВА,
Қарши давлат университети
доценти, филология фанлари
номзоди

«ИСТАСАК, ИҚБОЛ БИЗНИКИ»

Шерободлик ўқувчилар шундай дейди

Тушликдан сўнг электрон почта орқали муҳим маълумотни жўнатиш мақсадида интернет клубга кирдим. Администратор барча жойлар банд эканини, ҳали-бери бўшамаслигини айтди. Илҳом билан катта залга қарайман, клуб мижозларининг қарийб барчаси ўқувчилар. Уларнинг дарсдан чиқиб, тўғри бу ерга келганини кийим-бош ва сумкасида аниқлаш қийин эмас. Бақир-чақирдан билдимки, ўзини қизигандан қизимокда. Хатоликка йўл қўйган ёки рақибини «ўлдиролмаган» бола «ширин» гаплар билан сийланишига гувоҳ бўлдим. Ҳали балоғатга етмаган болаларнинг куракда турмайдиган сўзлари-ю, буш вақтини қайқдаги бефойда ўйин-қўлгуза сарф этаётгани ачинарлидир.

Бу манзаранинг акси бўлган ҳолат — мактаб ўқувчиларининг дарсдан кейин касб-ҳунар ўрганиши ота-оналарни ҳам, таълим-тарбияга масъул бошқа инсонларни ҳам хурсанд қилади. Шеробод туман «Баркамол авлод» марказига 420 бола аъзо. 1-, 2-, 42-, 56-, 66-умумтаълим мактаблари ўқувчилари дарс тамом бўлиши билан қадрдон марказга шошади. Улар бу ерда турли касб-ҳунар сирларини ўрганиб, буш вақтини мазмунли ўтказмоқда. 14та тўғарақда дурадгорлик, бичиш-тиқиш, тасвирий санъат, пазандлик, фольклор санъати, тўқиш, мунчоқли безак, ўйинчоқ ясаш, инглиз тили машғулоти ҳар бир ўқувчи учун касбий ва маърифий руҳдаги сабоққа айланмоқда.

— Бекорчиликдан бемаънилик келиб чиқади. Бўш юрган ўқувчини кўришни билан шу ерга бошлаб келаман, — дейди марказ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Бўри Раҳимов. — Дастлаб рўйхушлик бермаган бола тўғарақлар фаолияти билан танишиб, фикри тамоман ўзгаради. Марказ фаолиятини такомиллаштириш ва ўқувчилар сафини янада кенгайтириш

мақсадида янги лойиҳаларни амалга оширялмиз. «Сайроки кушлар» тўғараги фаолияти йўлга қўйилди. Машғулотларга қатнаш бепул, хоҳлаган ўғил-қиз келаверсин.

Ойгул Қиличова марказдаги истеъдодли ёшлардан биридир. Яқинда чоп этилган «Кўнгил навоси» шеърӣ китоби ёш адабиёт ихлосмандларига манзур бўлди. Қувончбек Хушвақтов, Барно Нодирова, Жаҳоҳир Нормаматов каби тенгқурлари ҳам турли кўрик-танлов ва беллашувларда фаол иштирок этиб, маҳорат пиллапояларини эгаллашмоқда. Маҳорат ошганда эса рақобат муҳити кучаяди, ўқувчилар бир-бирига ҳавас қилиб, эргашади.

Жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг касб-ҳунар сирларини эгаллашга интилиши марказга ўзгача муҳит олиб кирган бўлса, ажаб эмас. «Тўқиш» тўғараги тарбияланувчиси Мухлиса Насимова гарчи ногирон бўлса-да, қўли гул чеар. У тўқиган кийим-кечақлар кўзни қувнатади. Опасига кўмаклашаётган синглиси Мафтуна ҳам шу тўғарақ аъзоси. Мухлисадан асло қолишмайди.

Қувонарлиси, бу ерда яна кўплаб опа-сингил, ака-укалар-

ни учратиш мумкин. Ака-ука Сардор ва Самандар Бўриевлар «Компьютер» тўғарагида шуғулланаётган бўлса, Салтанат, Сугдиёна ва Дилшод Нурриддиновлар инглиз тилини пухта ўрганмоқда.

— Ўғилларим мактабдан қайтган, телевизор ёнида ёки кўчада вақтини бесамар ўтказар эди, — дейди Соҳиба Боймуродова. — Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, уларни туман «Баркамол авлод» марказига олиб бордик ва компьютер тўғарагига жойлаштирдик. Фарзандларимнинг дарс тамом бўлиши билан марказга шошилаётганидан хурсандман.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга қизиқтириш, истеъдод-иктидорини юзага чиқариш учун тўғарақ раҳбаридан алоҳида маҳорат ва малака талаб этилади. Яқинда иш бошлаган «Инглиз тили» тўғараги раҳбари Зарина Насимованинг ноанъанавий дарс ўтқиш услуби кўпчилиikka маъқул бўлмоқда. Тўғарақ аъзоларининг кун сайин ошиши шундан далолат беради.

— 30 нафар ўғил-қизни ёшига қараб, уч гуруҳга бўлганман, — дейди Зарина Насимова. — Бошланғич синф ўқувчиларига уч кун турли кўргазмаларни воситалар, ўйинчоқ ва ўйинлар ёрдамида дарс ўтаман. Уларга бирдан грамматикани ўргатиш оғирлик қилади. Юқори синф ўқувчилари амалий машғулотда мактаб ўқув дастурида ўзлаштирилган мустақамлашади. Жонли табиат кўйига чиқиб, ўсимлик, ҳайвон ва қушларни тоmosha қилиш, уларнинг инглизча номланишини ўрганиш болаларга завқ бағишлайди.

Дарвоқе, марказ раҳбари



Мактабдан tashqari ta'lim

Бўри Раҳимов нафақат педагог, балки ҳақиқий табиат ошуфта-сидир. Бўри ака парварошлаган 20 зотдаги 150та сайроқи қуш, айниқса, гапирадиган қарғани кўриш мақсадида унинг хонадонидан туну кун одам ари-майди. Гапирувчи қарғани кўриш учун хаттоки чет эллик сайёҳлар ҳам келиб-кетилишиди. Бу ҳақда педагог мароқ билан хикоя қилади:

— Бир кун қўшни бола Самандар оёғи ва қанотлари синган қарға полапонини кўтариб келиб қолди. «Адирда ётган экан, нима қилишни билмай, тўғри шу ерга олиб келавердим», деди. Қўшчанинг жароҳатларини бойлаб, яхшилаб парварош қилдим. Тезда соғайиб, ўзгара бошлаганидан сўнг унинг ноёб қушлар рўйхатига киритилган Ўзбекистон жануб қарғаси (айни пайтда жуда кам қолган) эканини билдим. Қарғага меҳрим тушиб, уни гапиртириш учун машқ қилдира бошладик. Бу турган битгани ма-шқакат бўлса-да, кўп силтамадим. Қуш уч ёшида битта-икита сўзни айтди. Дастлаб «Гоша», сўнгра «Барис ака», «Одина», «Севара» исмларини талаффуз қилганида жуда ҳайратландик. Кейинчалик унинг

сўз бойлиги ошди. Қарғага биринчи айтган сўзи, яъни «Гоша» деб ном қўйдик. Ҳозир қанотли дўстимиз 19 ёшда, бисотида 34та сўз бор. «Отахон, яхши боринг», «Шодибек», «Жонибек» деган сўзларни аниқ айта олади, хатти-ҳаракат, имо-ишорани тушунади. Гошани кўриш учун Япония, Жанубий Корея, Англия, Россия ва қўшни мамлакатлардан кўплаб ишқибозлар келган.

Бўри ақанинг хонадонига янги Зеландия тўғилари, Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган чил қуш, ҳар хил зотли бедана, қаклик ва қабуларлар, житой товуги, япон хўрози, зотдор, товуглар парварошланмоқда. Жонли бурчақда қушлар сайроғи тинмайди. Ўқувчилар учун «жажжи дўстлар» даврасида бўлишини гашти ўзгача...

Юртимизда мактабдан ташқари таълимга алоҳида эътибор қаратилиши замирида эзгу мақсад ётибди. Бу ҳам бўлса, «Баркамол авлод» марказлари орқали фарзандларимизнинг буш вақтини мазмунли ўтказиб, истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқаришдир.

Ҳасан МҲМИНОВ,
«Ma'rifat» муҳбири


ТАСАВВУРДАН ЯРАЛГАН ГҲЗАЛЛИК

Гўзаллик ва санъатга ошуфталик ҳар бир қалбнинг маънавий эҳтиёжидир. Шу боис кишининг назари чиройли манзара ёки буюмга туша, ундан кўз узолмай қолади. Хайратга қўйиб, бор чарчоғини унутди, дили ором олади. Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағиш-лаб Халқ таълими вазирлиги ҳамда



«Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган республика фотосуратлар кўрик-танлови ва «Карвинг мўъжизалари» фестивалида йилгилар бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилишди.

— Ёшларнинг дунёқарабини кенгайтириш, қизиқиш ва интилишларини кўллаб-қувватлаш, улар орасидан иқтидорлиларни саралаш, шу орқали маънавий тарғибот ишларини



олиб боришда кўрик-танловларнинг аҳамияти катта, — дейди «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Лола Тўхтаева. — Бугунги тадбирда республикамизнинг барча ҳудудидан келган қирқдан ортиқ истеъдодли ўқувчилар иштирок этмоқда. Билганларини тенгдошлари билан ўртоқлашиб, ўзаро тажриба алмашишяпти.

Фотосуратлар танлови «Азалий ва боқий қадрият» ҳамда «Бетакрор лаҳза» йўналишлари бўйича ўтказилди. Иштирокчиларнинг мустақил ишлай олиш қўникмасини синаш мақсадида бирор манзара ёки буюмни кадрга

муҳраб, туширган фотосурати хусусида беш дақиқалик шарҳ бериши талаб этилди.

— Сурат олишга кўпдан буён қизиқаман, — дейди Гурлан туманидаги 38-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулҳаё Бозорбоева. — Асосан табиат манзаралари, юртимизнинг бетакрор обидалари, халқимизнинг турмуш тарзи ва маданияти ҳақида ёрқин таассурот уйғотувчи кадрларни олишга ҳаракат қиламан. Бунда тўғарақ раҳбаримиз Шаҳригул Султонова менга яқиндан кўмак бераёпти. Келгусида жаҳон кўргазмаларидан ўрин олишга муносиб суратлар тушириш ниятим бор.

«Карвинг мўъжизалари» фестивали иштирокчиларининг ижодий ишлари ҳам йилгиларда катта таассурот қолдирди. Танлов жараёнида карвинг ҳаваскорлари сабзавот ва мевалардан гўзал композициялар яратиб, олқиш олишди. Айниқса, Чортоқ тумани «Баркамол авлод» маркази аъзоси Бехзод Жўрабоев ясаган кема, оқуш, мева солинган саватлар кўпчилиikka завқ-шафқ бағишлаш билан бирга, тенгдошлари қалбида карвинг санъати билан шуғулланиш истагини уйғотди.

Ҳаёлот олами бой, дунёқараши тегар ўғил-қизларнинг бетакрор ижодий ишларини кузатиб, санъатимизнинг эртанги кунини янада ёрқин тасаввур этасиз.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

2014-yil 22-noyabr, № 94 (8743)

— Тошматов, уйга ва-
зифани бажардингми?

— Ҳа, устоз, бажарган-
дим... Шу... ҳалиги... эр-
талаб шошганимдан даф-
тарим уйда қолиб кетиб-
ди. Келаси дарс, албат-
та, сизга кўрсатаман...

Аслида, уйга берилган ва-
зифани бажармаган, аммо
ўзини бажарган қилиб
кўрсатган Тошматовнинг
холига кўпчилигимиз тушган-
миз. Бир-биридан ишонарли
баҳоналардан дарсга кеч қол-
ганимизда ёки дарсга уму-

сари у билан бирга катта-
лашиб бораверди.

Психологларнинг таъкид-
лашича, ўқувчи тенгдошлар-
и олдида ўзини камситил-
гандек ҳис қилмаслик, қай-
сидир маънода ўзини оқ-
лаш учун ҳам турли баҳона-
лар ўйлаб топади. Шу билан
ўзини уятга қолишдан асра-
гандек бўлади. Вақтида
олди олинмаса, ёлгончилик
одат тусига киради. Қандай
қилиб баҳоначи ўқувчилар-
ни «даволаш» мумкин?

Чилонзор туманидаги

лас, ҳамма ишларни назо-
рат қилиш унинг зиммасига
юкланди. Билдирилган
ишонч ўқувчимни яхши то-
монга ўзгартирди. Нафақат
математика, балки бошқа
фанлардан ҳам ўзлаштири-
ши яхшиланди. Демак, фа-
кат аълочи ўқувчиларга
эмас, бошқаларга ҳам масъ-
улиятли вазифаларни юк-
лаш самарали усул ҳисоб-
ланади.

Ўқувчининг келажақда ким
ва қандай хулқ-атвор эгаси
бўлиб вояга етиши кўп жи-

КЕЧИККАН ТАЛАБА

- Домла, кирсам майлими?
- Ўзи кириб турибсан-ку?
- Йўқ, ўтирсам?..
- Олдин ўтилган дарсни айтиб бер-чи?
- Ўзи, мавзу нима эди?!
- Билмайман, шунинг учун сендан сўраяпман-да?
- Сиз билмасангиз, мен қаердан биламан. Айтганча, акамнинг яқин ўртоғининг таниши сизга салом деганди. Танийсизми? Ректоратда ишлайдиган...
- Ўтиринг, Сотиболдиева. Келаси дарсга яхшилаб тай-ёрланиб, кечикмасдан келинг.
- Хўп бўлади, домлажон.
- Акангизнинг ўртоғининг танишига мендан ҳам салом айтиб қўйинг.

БАҲОТАЛАБ(А)

- Домла, нега фақат менинг балимни камайтираверасиз?
- Сени биринчи курсдан бери кузатаман. Мана, ҳозир учинчи босқичда ўқияпсан. Ўқишингда бирор ўзгариш сезмаяпман. Ўзинг ўқимайсан-да сессияда юқори балл қўйишимни талаб қиласан. Бу нимаси?!
- Йўқ, домла, ўқийман. Фақат сиз билмайсиз. Мен ҳаммасини биламан, аммо сиз сезмайсиз.
- Нималарни биласан?.. Бир бошидан гапир-чи...
- Йўқ, гапирмайман. Билганларимни бошқа биров би-лишини хохламайман.
- Нима?..

ТЎҒРИ ЖАВОБ

- Домла, мана бу тестнинг вариантларида негадир тўғри жавоб йўқ.
- Ундай бўлиши мумкин эмас. Ҳаммасида тўғри жа-воб бор.
- Билмадим, ҳеч қайси жавоб тўғри келмаяпти-да, ҳатто китобдаги жавоб ҳам бошқача.
- Бозорова, ўзи сизда нечанчи вариант?
- Домла, биринчи вариант. Тушунмаётган саволимнинг рақами ўн бешинчи.
- Агар шундай бўлса, «Д» жавобни белгилаб қўя қолинг!
- Вой, домла, жавоби шунақами?
- Қўяверинг, шу жавоб тўғри. Мен ҳам шунга қараб текшираман. Айтганимни қилин!

ЧОРА ТОПГАН ДОМЛА

- Домла, нимага менинг балим жуда паст?
- Дарсга қатнашмаганингиз учун.
- Давомат дафтарингизни бир кўринг-чи, неча соат дарс қолдирган эканман?
- Фамилиянгизни айтинг.
- Домла, мен ҳар доим дарсингизда қатнашадиган Собирова бўламан.
- Шунақами? Ҳа, тўғри, сиз бирор соат дарс қолдирмаган экансиз-у, аммо дарсга қулоқ солмасдан ўтиргансиз. Шунга балингиз паст.
- Сиз менинг фамилиямни билмасдан, қулоқ солмаганимни билибсиз, қойил! Жуда сезгир экан-сизми?..

Райхона ОЧИЛОВА

БАҲОНАЧИ ЎҚУВЧИ

у билан қандай ишлаш лозим?

ман қатнашмаганимизда ўзи-
мизни оқлаш учун ҳам фойда-
ланганмиз. Ростки, баҳоналар
тўқишга жуда устамиз.

Чопагон умримизнинг
қимматли онларини аямай,
бир ўйлаб кўрайлик-чи, биз
«баҳонакашлик санъати»ни
қачон ўзлаштиришга улгур-
дик? Қаерда ўргандик?.. Ўзи-
мизни алдаганимиз камдек,
ота-онамизни, бизга ишон-
ган яқинларимизни ҳам кип-
рик қокмай чув тушираяп-
миз. Интихосиздек туюлган
бу иллатнинг ибтидоси
қаерда? Саволларга жавоб
излаб, беихтиёр болалик
кўчаларига йўл бурасиз.

Бола мактаб ёшига етгунга
қадар атрофга ҳайрат билан
боқади, ҳаммага ишонади.
Оилада, мактабга таълим
муассасаларида олган тарбия-
си, тасаввурлари унинг хулқ-
атворини шакллантиради.

Мактабда баҳоналар
тўқийдиган ўқувчи келгуси-
да ёлгон гапиришга ўрганиб
қолиши мумкин. Арзимас-
дек кўринган бу ҳолат ин-
сонни келажақда кўпгина
қинғир йўлларга бошлаши
ҳеч гап эмас. Ўқитувчинини
алдаган бола ота-онасини
ҳам алдамаслигига ким қа-
фолат бера олади? Энг ха-
вотирли жиҳати шуки, бу
«фазилат» инсон улғайгани

173-умумтаълим мактаби-
нинг тажрибали бошланғич
синф ўқитувчиси Барно Те-
шабоевнинг бу борадаги
фикрлари кўпчилик педа-
гогларимизга баҳоначи
ўқувчилар билан ишлаш жа-
раёнида асқотади, деб
ўйлаймиз.

— Педагог ўқувчида ўзига
нисбатан ишонч уйғота оли-
ши жуда муҳим, — дейди
Барно Тешабоева. — Бола-
ларни ҳеч қачон алдамасли-
гиниз, улардан бирор нар-
сани талаб этишдан аввал
ўзимиз ҳам шунга амал
қилишимиз лозим. Агар
ўқувчини хатоси учун қаттиқ
жазоласак, яна жазоланиш-
дан қўрқиб ҳам турли ба-
хоналар ўйлаб топади. Яхши-
си, унга ўз хатосини англаб
етиши учун имкон бериш
керак. Агар бола устозини
ўзига дўст деб билса, тур-
ли баҳоналар тўқишга, ал-
дашга уринмайди. Яна бир
самарали усул — масъули-
ят юкларди. 4-синфда
ўқийдиган бир ўқувчим ма-
тематика фанидан ўзлашти-
ришга бироз қийналарди.
Уни математика тўғрисида
назоратчи қилиб қўйдим.
Машгулотлар ўтиладиган
куни ўқувчиларни оғоҳлан-
тириш, уйга берилган вази-
фаларни такрорлаш, хул-

ҳатдан бошланғич синфлар-
ни олган таълим-тарбиясига
боғлиқ. Шу нуқтаи назардан
бошланғич синф ўқитувчилар-
и таълим-тарбияда сабр-
ли бўлмоғи, ҳар бир ўқувчи-
га характеридан келиб чи-
қиб ёндашмоғи, жумладан
болаларни кўпгина салбий
иллатлар асоси — баҳона-
кашликка ўрганиб қолишдан
асрамоғи лозим. Ана шунда
инсонлараро дўстона муно-
сабатларга раҳна солаётган
ёлгонларнинг урчишга қай-
сидир даражада тўсиқ
қўйган бўламиз.

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ



ЯНГИЛИК ЙЎҚ...

Факультетимиз йўл ёқасида жойлашган. Яъни, эътибор марказида:
айниқса, қизлар. Кўпчилик яхши қизларни суриштириб келади.
«Бюджет»да ўқийдиган дугоналаримизни илтириш пайида юрган
совчилар талайгина. Энг қизиғи, деканатдаги опалар ҳам бундай са-
вобли ишга бош қўшади. Айтишларича, баъзи кунлари совчилар шун-
чалик кўпайиб кетар эканки, уларга бутун факультет қизлари ҳам ет-
мас эмиш. Ҳа, рост! Ўзим кўрганман, совчилар шу даражада шовқин
қилиб юборадики... Ҳаммасига қўл телефон рақамлари улашади.

Хулласи калом, кунларнинг бири-
да тўсатдан мени ҳам деканатга ча-
қириб қолишди. Чикдим, бир аёл
ўтирган экан. Деканатдаги опа нима-
ларнидир сўрагандек бўлди. Дарҳол
сездим, аёл менинг гап-сўзларимни
кузатмоқда. Хижолат бўлганимдан
жавобларим ҳам муҳкам чиқа бош-
лади. Сизга айтсам, деканатга ик-
кинчи бор чақирилганимда, анча
тажрибам ошган, шекилли, аёллар-
нинг еб қўйгудек нигоҳидан ҳайиқ-
май, дадил-дадил жавоб бердим.
Энг асосийси, ҳали ўқийман, деган
мазмундаги фикрлар, албатта.

Мана, факультетимизнинг ички
сиридан ҳам бохабар бўлдингиз.
Кичкина-ку, лекин ким учундир жуда
муҳим. Дарс вақтида қизлар дека-
натга чақирилди, тамом, уни су-
риштириб келишган ёки, боя айтга-

нимдек, кимнингдир тавсиясига би-
ноан қиз кузатишмоқда. Бу ҳолат,
шубҳасиз, ўша қизни ёқтириб юр-
ган курсдош йигитларимизга оғир
ботади. «Фалончиди, сизни дека-
натга чақириваяпти», дейилиши
билан йигитлар бир-бирига маъно-
ли қараб қўйишади...

Яна нима денг, нишондаги қиз бир
неча ой яхшилаб кузатилади. Албат-
та, «бахт элчиларини» ҳам тушуниш
керак, келиннинг одоби, юриш-тури-
ши ёқмаса, эртага бизга тўғри кел-
мас экан, дея деканатга айтолмайди-
ку. Худуд-бухуда совчилар аъло баҳо-
га ўқийтган дугоналаримнинг ҳалова-
тини олган. Кузатдим, уларда дарс
қилиш у ёқда қолиб, ўзига оро бериш
ишлари анча жадаллашган. Озгина
бўрттириб юбордим, шекилли. Ҳа,
майли, орасида шундай қизлар ҳам

бор, демокчи эдим. Нима бўлган тақ-
дирда ҳам, дарслар оралиғидаги та-
наффус мавзуси совчилар муҳокама-
сига улашиб кетади.

«Фалончиди, янгиликлар борми?»
дея бошлаб қолади бир дугонам.
Иккинчиси эса «Хозирча йўқ, ўзин-
гизда-чи?» деб қўяди. Тўғриси, бо-
шида «Янгиликлар борми?» деганда
ҳол-аҳвол сўраяпти деб қўярдим.
Лекин суҳбатнинг давомидан фаҳм-
лаб олардим. Ҳалиям ким мендан
«Янгиликлар борми?» деб сўраса,
совчилардан гап бошлайтими ё кун-
далик янгиликлардан гап олайтими,
дея иккиланиб қоламан.

Шанба кун эди. Бутун факультет-
да тозалаш ишларини бошлаб
юбордик. Қизларни биласиз-ку, иш
қила-қила гийбатлашиб ҳам олади.
Бир ўзим пастки бурчақдаги хона-
нинг чангларини артарканман, хона-
га шошиб кириб келган дугонам
«Қалайсан, яхшимисан? Янгиликлар
борми?» дея гап бошлади. «Раҳмат,
қайси янгиликларни сўраяпсан? Фа-
культетимизда янги ўқув маркази
очилди, деканатдаги янгиликларни
айтаётган бўлсанг, ҳаммасига рад

жавобини берайпман», дея кулиб
қўйдим. Қорачадан келган дугонам-
нинг юзи кизариб кетди. Сездим,
галларимни ҳам қилолмади, ҳатто
нималар деганимни ҳам тахлил этол-
майдиган даражада қарахтланди.
Унга ҳам «янгиликлар борми»нинг
маъносини тушунтириб бердим. У
минг бир хижолатда «деканат совчи-
лик хизмати» янгиликларини эмас,
ўзимнинг ҳол-аҳволимни сўраганини
айтди. Дугонамнинг айтишича,
ана шундай воқеа у билан ҳам юз бер-
ган экан. Бир кун қўшнисини йўлда
учратиб қолиб: «Қалайсиз, опа? Ян-
гиликлар борми?» деб сўрабди. Шун-
да аёл «Янгиликлар йўқ. Нима қилай,
бўлмаяпти. Худодан сўраяпман», дея
хомуш тортибди. Дугонам ҳеч нарсани
тушунмай, кўзларини пирпирати-
тибди. Аёл эса олти йилдан бери
боласи бўлмаётганини айтиб, йиғ-
лаб юборибди. Дугонам уни қандай
овутишни билмай, уйигача кузатиб
қўйибди...

...Яна ўша эски янгиликка қайт-
сак. Совчилар мавзусига-да! Дуго-
намнинг таъкидлашича, ёз фаслида
«сезон» қизир экан. Ҳозир қиш бўл-
гани учун «Бағдодда ҳамма ёк тинч»
эмиш. Янгиликлар бўлса, яна ха-
барлашармиз, а?!

СИНЧАЛАК

Ақлу тафаккур тараққий этгани сайин қарашлар, гоёлар ҳам ўзгариб, ангиланиб бораверади. Аммо одамларга тинчлик бермайдиган, ўйлантирадиган, турли оламшумул изланишларга туртки бўладиган бир омил борки, бу — табиат ва ақл ўртасидаги сир, онг билан боғлиқ тилсимотдир.

Буни қарангки, фан-техника инқилоби юз берган XX аср охири ва XXI асрда болаларни эртақлар айтиб улғайтириш бироз мушкул бўлиб қолди. Нега дейсизми? Сабаби, бир вақтлар кичкинтойларга завқ берган, ҳайратлангирган жисмлар, маълум ажойиботлар, бир сўз билан айтганда, афсоналар аллақачон ҳақиқатга айланиб бўлганди.

Бироқ нимаики яратилган бўлмасин, бир орзу, борингки, бир хомхал олдиде ҳеч нарса эди гўё. Бу инсон қўли ва ақлу заковати билан биологик мавжудот яратиш масаласидир! Бунинг учун ҳамма нарса шай, фақатгина «сунъий ақл» муаммоларини ҳал этиш қолганди, холос. Ўтган асрнинг 60-йилларида яратилиб, 90-йилларда бутун дунёни забт эта бошлаган компьютер омиллари ёрдамида мазкур «кемтик» тўлдирилишига умид болганди.

«Сунъий ақл» бу — интеллектуал машиналар ва компьютер дастурларини яратиш тех-

шина фикрлай оладими?» деб номланган туркум мақолалари чоп этилди. Унда машинанинг одам билан тенгма-тенг фикрлай олишини аниқловчи маҳсус тест яратилгани ҳам баён этилди.

Ўтган асрнинг 60—70-йилларига келиб эса бу мунозарали савол, яъни «Машина фикрлайдими?» мавзуси жуда катта миқёсда қизгин баҳсларга сабаб бўлди. Минглаб илмий қарашлар, гипотезалар ўртага ташланди. Бунинг учун, албатта, жиддий савол бор эди: объектив дунёни идрок этувчи онгли шахс фақат инсонми ёки электрон ҳисоблаш машинаси ҳам ақлга эга, фикрлай оладиган қурилмами?



Иккинчи жаҳон урушидан сўнг аранг ўзига келиб, аста ҳаётдан завқ ола бошлаган баъшарият учун бу энг шов-шувли, энг оммабоп мавзу эди. Шунинг учун ҳам у фақат олимларни эмас, балки бошқа соҳа мутахассислари, масалан, фанатист ёзувчилар ва киноижодкорлар-

учта муҳим йўналишда тадқиқ этилмоқда.

Биринчиси — илмий йўналиш. Бунда худди инсонларга хос аънавий ҳаракатлар, жумладан, фикрлаш, онгли тарзда мустакил қарор қабул қилиш хусусияти бўлган аппарат ёки дастур моделини яратиш масаласидир. Иккинчиси, ақлий тизим хоссалари маҳсули — машина фақат фикрлаши эмас, балки фаолияти давомида учраган ҳолатларни хотирасида сақлаб қолиб, келгусида яна шундай ҳолатга дуч келса, одамлар сингари интуитив тарзда қарор қабул қилиши масаласидир. Учунчиси, «сунъий

шинасининг инсон билан суҳбатга киришгани, унинг маълум билимларга асосланган ёзма муножаатига жавоб бериб, ўз саволини ҳам йўллаётганидир.

Бу тестдан илҳомланган фанатист ёзувчилар яна бир ёндашувни ўртага ташлади: сунъий ақлга эга машиналар ҳис эта олади ва ижод қила олади. Масалан, А.Азимовнинг «Икки юз йил яшаган одам» асариде робот Эндрю Мартин ўз ҳўжайинига ўзи хоҳлагандек ўйинчоқ ясаб берса, Ж.Блишининг «Юлдузли йўллар» асаридега Дейт орзу қилади, ҳаяжонланади, ички сезгисини уйғотди.



лари «brute force BluGene» ва «Blue Brain» лойиҳалари бўйича ҳам мунобақалашди. Инсониятнинг ўша вақтдаги «энг ақли вақили» ва «энг ақли машиниси» ўртасидаги муносабатлар, аниқроғи, «ақл жанги» бутун дунёни, шахматга қўзикайдиганларни ҳам мафтун этди.

Яна шундай «сунъий ақл»

«СУНЪИЙ АҚЛ» ЯРАТИЛАДИМИ?

нологияси. Компьютер воситасида «сунъий ақл» муаммоларини ўрганишга имкон берадиган тадқиқотлар ақлий ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ишлатишга йўналтирилган, ақли роботлар яратиш масаласига қаратилгандир.

Инсон фаолияти учун хавфли, оғир меҳнат талаб этадиган саноят соҳаси, қонларда ва бошқа маҳсадларда роботларнинг «ақли»дан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ахборот олами сарҳадлари юқори шиддат билан кенгайиб бораётган даврда компьютер тилшунослиги, робот техникаси, автоматлаштирилган эксперт тизимлар ва билимлар базасини пухта ишлаб чиқиш ва мунобақалаш бўйича етук мутахассисларга бўлган зарурат ҳам ошмоқда. Айнан шу ҳолат фикрлайдиган роботларни яратишга бўлган қизиқишни қучайтирмоқда.

Тахлилчиларнинг фикрига кўра, «сунъий ақл» атамаси ilk бор 1956 йили Дартмут университетиде ўтказилган конференцияда янраган. Жон Маккарти ўз нутқининг муқаддимасида ушбу бирикмага ишора қилган: «Муаммо шундаки, ҳали биз қандай ҳисоблаш тартибини интеллектуал деб аташ борасида бир тўхтама қелмадик. Санокли ақл механизмларидан хабардоримиз, аммо қолганларини тушунмаимиз. Фақатгина ҳисоблаш механизмларини тақомиллаштириш орқалигина ақлнинг биз учун қоронғи, аммо ўта муҳим қирраларини дунёга маълум этишини мумкин».

Сунъий «ақлillashtirilgan» компьютер тизимлари пайдо бўлиши ва «сунъий ақл» дея аталаётган соҳа ривожланиши кўплаб оддий назарий билиш муаммоларига янгича ёндашувни юзага келтирди. Олимларда янги тадқиқот йўлларини топиш, билиш фаолиятининг илгари ҳеч қим англамаган жиҳатларини идрок этишга бўлган иштиёқ уйғонди. Ҳисоблаш машиналари устиде бошқотқирган инглиз тадқиқотчиси Алан Тьюриннинг 1950 йили «Ма-

нинг ҳаловатини ўғирлади. Улар худди тафаккур машинадан ҳам мавжуд, деб талашаётган олимларга хайрихоҳлигини билдиргандек, фантастик романи кўссалар, бадий фильмларни яратишди. Жаҳон киносанъатида ўчмас из қолдирган «Терминатор», «Матрица», ўзимизда «Темир хотин» каби фильмларни эсланг. Бу бадий ижоднинг янги босқичга кўтарилиши, одамлар «сунъий ақл»нинг айрим кўринишлари борасида аниқ тасаввурга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этди.

Бу борада машҳур фантаст ёзувчи Айзек Азимов ва кибернетик Кевин Уорикнинг «сунъий ақл» ва биологик мавжудот ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларга бағишланган бадий асарлари оммане сеҳрлаб қўйди. Фантаст ёзувчи Гарри Гаррисон ва тадқиқотчи Марвин Мински ҳаммуаллифлигида ёзилган «Тьюринг танловига кўра» романида ЭХМ инсон онига йўл топади ва унинг миёнасидаги бор ахборотдан нуска қўчиради, натижада машина инсонга айланади, ҳақиқий одам эса ўзлигини йўқотди.

Бундай ижодкорлар сафи кенгайиб борди. Жумладан, Вернон Винж, Роберт Хайнлайн, Станислав Лем каби ўтмиш, бугун ва келажакдан сўзловчи, фазовий жанглр, андронидлар, нанороботлар ва ҳоказоларнинг ўзаро қарама-қаршилиқлари, саргузаштларидан иборат ҳаёлий сюжетлар миллионлаб китобхонларни ром этди. Айниқса, мазкур фантастик асарлар асосида яратилаётган бадий фильмлар томошабин тўлаш ва бюджет ҳам-гарийида биринчи ўринда бормоқда. Масалан, Ж.Кемерон томонидан суратга олинган, сунъий интеллект соҳасининг бадий намунаси «Аватар» фильми тақдирларидан 2,8 миллиард доллар ишланди.

...Сўнгги йилларда «сунъий ақл» фани билан шуғулланувчи йирик тадқиқот институтлари, илмий марказлар ҳодимлари турли янгилар, изланишларга қўл уришмоқда. Бу

ақл» деб аталган фан компьютерга оид фанлар мажмуидир. Уни яратувчи технология эса ахборот технологиялари билан боғлиқ. Бу фаннинг вазифаси ҳисоблаш тизими ёрдамида яратилган сунъий қурилманинг фикрлай олиш қобилиятини аслидек, яъни одамлар каби тафаккур қиладиган, ҳаракатланадиган даражага олиб чиқилган иборат.

Ақлий тизимларнинг қўлланиш йўналишларини кенгайтириш тиббиёт, геология ва кимё каби мураккаб соҳаларни янада тараққий эттиришда диққатга сазовор. «Сунъий ақл» яратувчилари изланиш олиб борилаётган фан ёки бошқа профессионал фаолиятга хос маълумотлар, тажрибага асосланган далиллар, назарий хулосалар ва эвристик тасаввурларни тартибга солишда ва компьютер ёрдамида масалаларни ечиш тизимини тақомиллаштириш билан боғлиқ жиҳатларда янгилик яратишни талаб этади. Лунда қилиб айтганда, компьютер «онг»ида билимлар базаси шаклланади.

Юқорида тилга олганимиз — А.Тьюриннинг ўзининг эмпирик тестларга оид иккинчи «Ҳисоблаш машиналари ва ақл» (Computing Machinery and Intelligence) сарлавҳали мақоласини 1950 йилдаёқ «Mind» журнализда эълон қилди. Мазкур тестдан мақсад сунъий тафаккурнинг қанчалик инсон зехнига қинчилигини аниқлашдан иборат эди.

Тадқиқотчи олим(тест саволларини берувчи) компьютер ва инсонга бир вақтда таъсир ўтказишда, яъни саволларга берилган жавоблар асосида ким билан суҳбатлашаётганини аниқлайди. Компьютер дастурининг вазифаси — инсон хатосини аниқлаш, нотўғри жавобни қайд этиш. Жараён иштирокчилари бир-бирини кўрмайди.

Бу тест шунинг кўрсаткичи, меъёрий ҳолатларда сунъий ақл «соҳиб»ини фикрлаши инсоннинг фикр юритиш қобилиятини қилишмас экан. Энг асосийси, электрон ҳисоблаш ма-

фақат мазкур ёндашув кўплаб баҳс-мунозараларга, жиддий танқидларга сабаб бўлди. Хусусан, қандайдир муайян саволларга жавоб топадиган, жавобларни эса баҳолай оладиган ақли механизмларни яратиш мумкин, бироқ ҳис эта оладиган машиналарни яратиш — шунчаки сафсата деб, қулгига олинди. Эҳтимол қаттиқ зарба берилса, бош қисмидаги оғриқ сезувчи датчик ёки «оч қолганида» аккумулятор қуввати тугаётганини аниқлашчи сигнал янча тушиши орқали сунъий ақлга эга механизмнинг «ҳис-туйғулар»ни ифодалаш мумкин, Аммо буларни инсон ҳаяжони билан мутлақо таққослаб бўлмайди.

Жон Сёрлинг ҳаёлий тадқиқотчи маҳсули — «Хитойча хона» мақоласида айтилишича, Тьюринг тестида таъйиб, ақли машиналарнинг ҳақиқий ўйлаш процессини аниқлаб бўлмас экан.

Аниқки, «сунъий ақл» тадқиқотлари робототехникалар билан чамбарчас боғлиқ. Бу икки соҳанинг интеграциялашуви кўплаб соҳаларда жадал ривожланиш юз беришига ҳам олиб келмоқда. Роботлар ёрдамида бажариладиган катта масштабдаги ишлар олимларнинг илмий изланишларида «тажриба қўенчаси» вазифасини ҳам бажаради. Объектларни манипуляция қилишда, локализация билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда, манзилни аниқлашда, бирор жой ҳақидаги маълумотларни ўрганишда ҳам роботларнинг хизмати бекиёс.

Айтиш керакки, сунъий зехнга эга машиналарнинг инсон

маҳсуллари борки, улар айна дамба минглаб одамларнинг оғирини енгли, узогини яқин қилмоқда. Масалан, MYCIN деб номланган қурилма анча олдин яратилган эксперт тизими бўлиб, у маълум турдаги беморга шифокордан кўра аниқроқ ташхис қўя олади. Ёки «ViaVoice» қурилмасини олсак, у номаълум шахс сўзларини тинглаб, кимлигини аниқлаб беради.

Яна бир жиҳат борки, бу — одоб-ахлоқ меъёрлари. Компьютер тизимларини ишлаб чиқиш ва фойдаланишнинг ахлоқий масалаларига оид мунозараларни таниқли тадқиқотчи Ж.Вейценбаум бошлаб берди. У «Ҳисоблаш машиналари ва мия» номли материалда юзага қилиши муқаррар бўлган долзарб масалалар техник ёки математик муаммо эмас, балки ахлоқ билан боғлиқ эканини таъкидлади. Инсон омиллини шахслараро муносабатларда, ўзаро тушуниш ва меҳр-муҳаббат билан боғлиқ тармоқларда ЭХМ билан «алмаштириб» бўлмайди. Аммо Фарбада судьялар ўрнига қонунлар, кодекс ва меъёрий ҳужжатлар билан мунобақалашган «адолатли компьютер-симулятор»ларни тайинлаш фикри ҳалигача кезиб юрибди.

Ҳа, компьютер иштирок этадиган соҳаларни имкон қадар қамайитириш, чеклаш лозим. Фақатгина одамлар ҳаётини хавф остига қўйдиган мураккаб ҳолатларда, ҳаттоки самарали жарроҳлик амалиётини ўтказишда ҳам машиналар ёрдамида фойдаланиш мумкин.

Хулоса шуки, инсон ақлу идроки билан компьютерни моделлаштириш, сунъий интеллектни ўрганишда математик ва техника фанларига хос усуллардан фойдаланиш ва кибернетика фанига оид шов-шувлар XXI асрда юксак он назари яратилишига асос бўлади, деган қарашлар ўзини оқламади. Аммо айнан ўша ўринишлар бугунги психология, мантик каби қатор фанларни янгича руҳда таҳлил этишга, янгича фалсафий муноҳадалар юритишга, кинематографияни юксак поғонага олиб чиқишга ва фазовий саёҳатларни мазмунан бойитишга туртки берди.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

2014-yil 22-noyabr, № 94 (8743)

Халқ таълими вазирлиги яқинлашиб келаётган Янги йил байрами муносабати билан "Туркистон" саройида ўтказиладиган "Президент арчаси" тадбирини ташкил этиш учун "Туркистон" саройи фойесини тадбир мазмуни ва Янги йил байрамига мос равишда безаш ҳамда саройнинг олд қисмини байрамона руҳда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бериладиган совғаларни жойларга етказиб берадиган юк транспорт машиналарини безатиш мақсадида танлов

Э Ё Л О Н Қ И Л А Д И

Танлов номи: "Туркистон" саройида ўтказиладиган "Президент арчаси" тадбирини ташкил этиш мақсадида "Туркистон" саройи фойесини тадбир мазмуни ва Янги йил байрамига мос равишда безаш ҳамда саройнинг олд қисмини байрамона руҳда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бериладиган совғаларни жойларга етказиб берадиган юк транспорт машиналарини безатиш учун баннерлар харид қилиш.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: 100159, Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Буюртмачи мазкур танлов савдоларига "Президент арчаси" тадбирини ташкил этиш мақсадида баннерлар харид қилиш учун улгуржи савдо ташкилотлари ва ишлаб чиқарувчиларни таклиф этади.

"Туркистон" саройи фойесини тадбир мазмуни ва Янги йил байрамига мос равишда безаш ҳамда саройнинг олд қисмини байрамона руҳда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бериладиган совғаларни жойларга етказиб берадиган юк транспорт машинасини безатиш учун баннерларнинг техник талаблари қуйидагилар:

Лот	№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Умумий миқдор	Техник талаблар
I	1	Баннер люверс билан	м²	50	Ўлчами 2,5х5,0=12,5 (4 дон)
	2	Баннер ёғоч рамкаси билан	м²	14,4	Ўлчами 1,2х12
II	1	Баннер люверс билан (машинанинг икки томони учун)	м²	64	Ўлчами 13,34х2,40=32,0х2=64
	2	Баннер люверс билан (машинанинг олд томони учун)	м²	2	Ўлчами 2,0х1,0=2
III	1	"Туркистон" саройи сажаси	Фойе ва сажани тадбир мазмунига мос равишда жиҳозлаш ва безаш лойиҳасини (расмини) тақдим этиш.		

Барча махсулотлар жорий йилнинг 20 декабрига қадар етказилиши шарт. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар лотлар қесимида тегишли ҳужжатларни ёпиқ ҳолда (муҳрланган конверт) расмий мурожаат хати орқали **2014 йил 29 ноябрга** қадар Тошкент вақти билан соат **15-00 гача** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, телефон (+99871) 239-16-30, (+99871) 239-40-77) **депонхонасига** топшириши шарт. Кўрсатилган муддатдан кечиккан мурожаатлар инобатга олинмайди. Буюртмачи қатнашчилар томонидан танлов таклифининг тайёрланиши билан боғлиқ ҳужжатларга жавобгар эмас.

Қўшимча маълумотлар учун (+99871) 239-43-11, (+99871) 239-83-37 телефон рақамига боғланишингиз мумкин.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ХАМДА МУТАХАССИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилигида ўтказиб келинаётган "Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" доимий илмий-методик анжуманининг навбатдаги XIII йиғини 2015 йил апрель ойида ўтказилади. Анжуман **"Таълим жараёнида ёзма саводхонлиқни оширишнинг асосий омиллари"** мавзуси муҳокамасига бағишланади.

Халқ таълими вазирлиги барча ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда шу соҳа мутахассисларини юқорида зикр этилган мавзу бўйича маъруза билан анжуманнинг XIII йиғинида иштирок этишга таклиф қилади.

Маъруза матнининг ҳажми 2-2,5 бетгача дискда (флешкада), "MS WORD" редакторида "Times New Roman" шрифтида 1,5 интервалда ёзилиши керак. Варақнинг чап томонидан 3 см, юқори ва пастдан 2,5 см, ўнг томонидан 1 см жой қолдирилиши лозим. Маъруза матнини 2014 йил 20 декабргача анжуманнинг ташкилий қўмитасига йўллашингиз сўралади. Манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй, Республика таълим маркази, **электрон почта: rtm@xtv.uz.**

Тезисларда иш жойингизни кўрсатиб, ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот ёзишни унутманг.

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Республика таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактаблари учун «Ўзбек тили» дарсликлари муаллифи, умумтаълим мактаблари учун яратилган «Она тили» дарсликларининг махсус эксперти, Ўзбек тили фани бўйича илмий методик кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари номзоди, доцент

Абдурозик РАФИЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси механика-математика факультетининг «Программалаш ва тармоқ технологиялари» кафедраси доценти Муфтоҳ Ҳакимовга акиси

Умид ҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Зарипов Орипжон Олимовичнинг 05.13.07 — «Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш» ихтисослиги бўйича «Стохастик бошқарув объектлари ҳолатини мунтазам адаптив баҳолаш усуллари ва алгоритмлари» мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва ЎзР ФА Энергетика ва автоматика институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 16.07.2013.Т.02.01 рақамли илмий кенгашнинг 2014 йил 20 декабрь соат 10⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Рахматов Ахмад Зайнидиновичнинг 01.04.10 — «Яримўтказгичлар физикаси» ихтисослиги бўйича «Яримўтказгичли юқори частотали ва чеклагич диодлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш, уларнинг параметрларини термо- ва радиацион таъсирда оптималлаштириш» мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Физика-техника институти, Ион плазма ва лазер технологиялари институти ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий кенгашнинг 2014 йил 24 декабрь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-6 уй. Тел./факс: (+99871) 235-42-91, e-mail: lutp@uzsci.net).

Мухаммадиев Давлат Мустафаевичнинг «Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехник тизимлар» ихтисослиги бўйича «Чигитни чиқарувчи қурилмалар аралаш жин ва пульсоловчи ҳаво оқимли конденсор машина агрегатлари динамикаси» мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий кенгашнинг 2014 йил 25 декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

Шин Илларион Георгиевичнинг «Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехник тизимлар» ихтисослиги бўйича «Пахтани дастлабки ишлаш машиналари деталларининг сифатини таъминлаш ва чидамлилигини башорат қилишнинг технологик методлари» мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий кенгашнинг 2014 йил 25 декабрь, соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бўш (вакант) ўринларга катта ўқитувчи лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Жисмоний тарбия кафедраси катта ўқитувчилигига.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Рептор номига ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ, кадрлар бўлими. Тел.: 246-03-92.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси ўзбек филологияси факультетининг «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси доценти

Абдурозик РАФИЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси биология-тупроқшунослик факультетининг «Зоология» кафедраси доценти Абдулаҳмед Кузметовга акиси

Абдумурод КУЗМЕТОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Gurung

ЖАННАТ
ОНАЛАРИНГИЗНИНГ
ҚАДАМЛАРИ ТАГИДА

Она — олам фахридир.

* * *

Онани уч марта Макка-
га опичиб борсанг ҳам, оқ су-
тини оқлолмайсан.

* * *

Ота-онасини танимаган
Тангрисини танимас.

* * *

Ота-онанинг дуоси —
Ўтга-сувга ботирмас.

* * *

Онанинг бир қўли бешик-
ни, бир қўли дунёни тебра-
тади.

* * *

Алп онадан туғилади, тул-
пор биядан.

* * *

Она билан бола —
гул билан лола.

* * *

Бола ҳам она дейди,
Она ҳам она дейди.

* * *

Онага боланинг олалиги
йўқ.

* * *

Онали боланинг оғзи ўйнар,
Онаси боланинг

* * *

кўзи ўйнар.

* * *

Онали етим — гул етим,
Отали етим —

* * *

шум етим.

* * *

Онали келин — қарқара,
Онаси келин — тасқара.

* * *

Онаси етим —
орси етим,

* * *

Отали етим —
орли етим.

* * *

Онани ўғай бўлса, онанг
ўзиники эмас.

* * *

Онangga бoшингни
хам қил,

Хазина

Отangga гапингни

кам қил.

* * *

Онанинг яхшилигини бе-
мор бўлсанг биларсан.

* * *

Онаси қимизак еса, қизи-
нинг тиши қамашади.

* * *

Онасин суйганинг боласин
суй.

* * *

Олтин бошли отанг би-
лан қолгунча, пахмоқ бошли
онанг билан қол.

* * *

Она — ақл, она — идрок.

* * *

Отадан олтов бўлгунча,
онадан икков бўл.

* * *

Онаси ўлган олти

кун йиллар,

Онаси ўлган —

олтмиш йил.

* * *

Отасин оғритган —
эл ичида хор бўлур,Онасин оғритган —
парча нонга зор бўлур.

* * *

Фарзанд боққан ота,
Жонни қоққан она.

* * *

Эмизганинг қадрини
эмизганда биласан.

* * *

Энаси тепган қулунинг
эти оғримас.

* * *

Қайнона қўлидан ёғлиқ
чўзма еганданОна қўлидан қулоқ чўзма
еган яхши.

* * *

(Х.Кароматовнинг
«Арбаъин ҳадис ва қирқ
мақол» китобидан.)

Турғун Алиматов — элга машҳур санъаткор, ўзбек му-
сиқасининг буюк намоянда-
си. Турғун Алиматов ва
Алийбег Рустамий каби
икки забардаст олим ва
санъаткорнинг номлари
ёна-ён кўйилганда, XX аср
ўзбек маданиятининг ёрқин
саҳифалари назарга келади.
Ҳар бири ўз соҳасининг бе-
назир вақили ва, айти чоғ-
да, миллий маданиятимиз-
ни умуминсоний қадриятлар
даражасига кўтаришга муяс-
сар бўлган шахслар. Алий-

Ўзимча ўйлайманки, «улфат»,
«соз», «мос», «роз» сўзлари-
нинг маънолари яқин бўлса
керак. Бу ёғи Сизга ҳавола,
тушунтириб берарсиз. Ле-
кин мен дуторнинг икки то-
рини «улфат» дейман.
Одамлар орасидаги муно-
сабат ҳам ана шундай бўлса,
уни улфатчилик дейиш мум-
кин. Аҳли мажлис бир-би-
рига соз бўлиши керак. Акс
ҳолда, у мажлис эмас, бош-
қа нарсга айланиб кетади.
Шунинг учун олдин ўзимиз-
ни созлаймиз. Кейин дутор-

наётган амал эди. Уни
бўлгуси куйнинг ўзига хос
«дебона»си дейиш мумкин.
Созандалар тилида —
«машх». Ана шу гўзал дебо-
чага бадиҳа қилиб ўзлари
ишлаган «Дутор навоси»ни
улаб кетдилар. Одатда, ҳар
қандай йирик куй ҳам 7—10
минутлардан зиёд давом эт-
майди. «Дутор навоси» эса,
бу сафар жуда узоқ муддат
туғмади. Созанданинг ўзи
завқ билан, терлаб, ҳолатга
кириб кетди. Ниҳоятда куй
қайси бир фазоларга, сеҳр-

ИККИ УЛУҒ АЛЛОМА

бег Рустамий Турғун Аलि-
матов санъатининг ихлосман-
ди. Турғун ака ҳам Алийбег
домланинг телевидение ва
радио орқали маърузалари-
ни тинглаб, ундан илҳомла-
ниб юрардилар. Лекин улар
яқин муносабатда бўлмаган
эканлар.

Камина икки улуг зотнинг
хавасларидан хабар топиб,
уларни учраштиришга жазм
қилдим. Масалани баён эти-
шим билан Турғун Алиматов
илтифот каттадан бўлади
деб, биринчи бўлиб меҳмон-
га таклиф қилдилар. Ажойиб
дастурхон ясаб кутиб олди-
лар. Назаримда, бу ноёб ан-
жуманда энг мураккаб вази-
фа камина зиммасига туш-
гандай бўлди. Олдинги му-
лоқотларимиздан маълум
эдики, устозларнинг иккови
ҳам ўта камсухан ва ҳар бир
сўзини териб-териб гапира-
диган одатлари бор. Улар-
нинг олдида гапиришга ҳар
ким ҳам журъат этолмасди.

Сукутни суҳбатга айлан-
тириш ва мажлис руҳияти-
ни керакли томонга буриш
учун дастурхон соҳиб,
кўпни кўрган санъаткор
ярым ҳазил оҳангда гап бош-
ладилар.

— Анчадан буён Сиз билан
учрашиб, бир отамлашиш
мақсадида эдим. Мулло Ота-
назарга раҳмат, ана шу ни-
ятга етказди. Худо хоҳласа,
бугун улфатчилик қиламиз.

ни созлаб, бир нарсалар ча-
либ бераман. Ана ундан сўнг
созланиб кетаверамиз, ул-
фатчилик қиламиз, — деб
лутф этдилар.

Ҳамманинг чеҳраси очи-
либ, дастурхонга қарай бош-
ладик.

— Олдинлари оқват тор-
тилган пайтда соз чалинма-
ган, — деб сўзларини давом
эттирдилар улуг санъаткор.
— Оқватдан кейин дастур-
хонлар йиғиштирилиб, соз
базмига ўтилган. Мириқиб
соз ёки ашула эшитгандан
кейин қайтадан яна дастур-
хон ёзилган ва таомлар тор-
тилган. Мажлис шу тартиб-
да давом этган. Ёшлигимиз-
да ана шундай давраларни
кўрганмиз. Ҳар бир давра-
нинг каттақони бўлади. У
вазиятга қараб мажлисини
бошқариб боради. Ҳар ким
истаганча гапиравермайди.
Хуллас, мажлисдан, ўтириш-
дан завқ олиш лозим. У эса
яхши создан, маъноли сўз-
дан чиқади.

Соз навбатига келганда,
олдин дуторни анчагина, тах-
минан 5—7 минутларча соз-
лаб ўтирдилар (бу йирик бир
асар бошланадиган муддат).
Аслида, Турғун Алиматовдек
созанданинг дутори доим
соз, уни чалиб кетавериш
мумкин. Шунинг учун бу чо-
ғуни созлаш эмас, балки
тингловчини «соз»лаш,
ҳолатга киритиш учун қили-

ли оламга парвоз этгандек
назардан ғойиб бўлди, хо-
лос. Созанда тўхтаган бўлса-
да, куй ҳамон давом этаёт-
гандек туйиларди. 2-3 минут
ана шундай лаззатли суку-
нат юзга келди...

Даврани сеҳрли кайфи-
ятдан чиқариб, олдинги зи-
ёфат ҳолатига қайтариш
мақсадида ўзлари секин гап
бошладилар:

— Бу менга отамдан ме-
рос. Жуда ёш етим қолган-
ман. Икки нарса хотирамдан
кетмайди. Бирини, отам тизза-
ларига бош қўйиб ухлаб
қолишим. Иккинчиси, дутор-
ларининг мунги. Шунча из-
ласам ҳам ўша мунгни топа
олмайман. Бу ҳам бир ило-
хий сир бўлса керак, — деб
қўлларидоғи асбобни де-
ворга суяб қўйдилар...

Устоз Алийбегнинг Гене-
рал Узоқов кўчасидаги ҳовли-
лари яқин бўлганлиги учун
пиёда кетдик. Ҳаво тоза, энди
кеч салқини бошланаётган
пайт. Жим юриб, уйларига
яқин қолган пайтда шунчаки
«Гаплашмадингиз-ку?!» дега-
нимни ўзим билмай қолдим.
Устоз ҳам ҳеч бир киноя қил-
масдан «Соз бор жойда, сўз
кимга керак», деб қўя қолди-
лар. Жуда яхши кайфиятда
тарқалишдик...

(Профессор Отаназар
МАТЁКУБОВнинг
«Устоз сабоқлари»
мақоласидан.)

ТОШБАҚА БИЛАН ЎРДАКЛАР

Бир ҳовуз бор эди. Ҳовуз суви
чўчқ ва тиниқ эди. У ерда бир тош-
бақа билан ўрдаклар яшарди. Улар
бир-бирлари билан ҳамсуҳбат ва
дўст эди. Улар шод-хуррамлик би-
лан умр кечирар эди.

Бир куни ҳовуздаги сув камаё
бошлади. Ўрдаклар бундан хафа
бўлди. Ниҳоят, ҳовузнинг суви бу-
тунлай камайиб, ифлосланиб қолди.
Энди ўрдаклар ўз ватанларидан
ҳам умид узди. Улар ғамгин кўнгул
ва кўз ёши билан тошбақанинг ол-
дига келиб, у билан хайрлашмоқчи
бўлди.

— Бизнинг дўстона умр кечири-
шимизга кўз тегди; энди бир-би-
римиздан айриламиз, — дейишди.

Тошбақа бу гапни эшитиб, фар-
ёд қилди ва деди:

— Бу нима деганларингиз, мен
сизсиз тириклик қила оламани,
ёр-дўстсиз ҳаёт менга асло ёқмай-
ди, бундай ҳаёт ҳеч кимга керак
эмас.

Ўрдаклар:

— Жудодик бизларга ҳам оғир.
Айрилиқ жигаримизни пора-пора
қилаётир. Аммо сувсизлик вужди-
мизни шамолга совуради, ночор бу
ердан кетишга мажбур бўлаётимиз,
— дейишди.

Тошбақа деди:

— Эй ёронлар, сувнинг камлиги
менга кўпроқ зарардир, чунки мен
ҳам сувсиз ти-
риклик қила ол-
майман. Узоқ
вақтлардан бери сизлар билан
дўстона яшадим, мен ўйлайманки,
мени ҳам бирга олиб кетгайсизлар,
мени жудодикка ташлаб кетмагай-
сизлар.

Ўрдаклар:

— Эй меҳрибон дўст, айрилиқ
гами оғир. Биз қайси ерга бор-
майлик, умримизни ишрат билан
ўтказамиз. Аммо кўзимиз сенсиз
хира, айшимиз қоронғу бўлар ва
биз сен билан доимо кўришиб ту-
ришни орзу қиламиз. Аммо ер юзи-
да бизнинг оёқ билан юришимиз

машаққатдир, — дейишди.

Тошбақа деди:

— Бу ишнинг чорасини ҳам ўзла-
рингиз яхши билурсизлар, мен
нима қилишни билмай қолдим, жу-
додик менинг ақлимни шошириб
қўйди.

Ўрдаклар:

— Сен бизнинг айтганимизни
қила олармикан-
сан? — деб
сўрашди.

— Қандай маслаҳат берсангиз,
ҳақмасини бажаришга тайёрман,
ваъданинг устидан чиқаман.

— Бизнинг шартимиз шуки, —
дейишди ўрдаклар, — сени кўта-
риб учамиз, аммо сен ҳеч кимга га-
пирмайсан, сенга гапирсалар ҳам,
жавоб қайтармайсан.

Тошбақа:

— Фармонингизни бажону дил
қабул қиламан, ҳеч кимнинг сўзига
жавоб бермайман, — деди.

Ўрдаклар бир чўп топиб келишди
ва тошбақа чўпнинг ўртасидан маҳ-

кам тишлади. Ўрдаклар чўпнинг
икки учидан кўтариб учиб кетди.
Ниҳоят, бир қишлоқ устидан учиб
ўтаётганда уларни кўрган одамлар
таажжубланиб:

— Ҳой, осмонга қаранглار, ўрдак-
лар тошбақани кўтариб учинаяпти.
Бундай аҳволни ҳеч ким умрида
кўрган эмас! — деб шовқин кўта-
ришди.

Одамларнинг ғала-ғовури ошиб
кетди. Тошбақа бироз гапирмай
турди. Лекин ниҳоят тоқати тоқ
бўлиб, ғайрати келди ва:

— Бизни кўролмасанг, кўр бўла-
сан! — деб қичқириб юборди. У
шундай дейиши билан оғзи чўпдан
бўшаб, чархпалак бўлиб осмондан
ерга йиқилиб тушди.

Кимки дўстлар насиҳатини ку-
лоққа олмаса, ўзини расво қилади
ва балого гирифтор бўлади.

(«Қалила ва Димна» китобидан.)


Саҳифани
Махмуд САЪДИЙ тайёрлади.

2014-yil 22-noyabr, № 94 (8743)

ИҚТИДОРЛИ ПОЛВОНЛАР ДИЁРИ

навбатдаги йирик халқаро мусобақаларга мезбонлик қилмоқда

Тошкент шаҳрида оғир атлетика бўйича I Афро-Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Мусобақанинг илк кунинда вакилларимиз Манзураҳон Мамасолиева ва Марина Сисоева 6 кумуш медални қўлга киритди.



Юртимизда олимпиада дастурига киритилган оғир атлетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш спортчиларни катта мусобақаларга тайёрлашнинг уч босқичли узлуксиз тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига ҳам оғир атлетика мусобақаларининг киритилиши бежиз эмас.

Бунинг самарасида ёшларимиз орасидан кўплаб халқаро мусобақалар ғолиб ва совриндорлари етиштиб чиқаётди. Қолаверса, мамлакатимизнинг нуфузли спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш борасидаги тажриба ва имкониятлари ҳам бойиб бормоқда. Айнан шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ўтган йили Қатар пойтахти Доха шаҳри мезбонлик қилган Осиё оғир атлетика федерациясининг ҳисобот йиғилишида I Афро-Осиё чемпионати ва III Осиё кубоги баҳслари манзили

Тошкент шаҳри деб белгиланганди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақада Африка ва Осиёнинг 20 давлатидан 300 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синачмоқда.

Шу ўринда айтиш кераки, Юртбошимизнинг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси иқтидорли спортчиларимизнинг ўқув-машғулот йиғинлари ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тадорик қўриши ва муносиб қатнашиб, ватан шарофити улуғлаши учун етарлича шароит яратган.

Хабарингиз бор, яқинда (7—16 ноябрь) Қозғистоннинг Алмати шаҳрида

оғир атлетика бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган эркалар терма жамоамиз 1 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза медалга сазовор бўлди. Бу кўрсаткич эса 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган гадаги Олимпиада учун 5 йўлланмани тақдим этди. Хотин-қизларимиздан иборат терма жамоамиз эса 3 йўлланмани қўлга киритди.

Жаҳон чемпиони Руслан Нурудиновнинг халқаро майдонда эришган натижалари орқали ҳам юртимизда бу борада қилинаётган ишларга ҳолис баҳо бериш мумкин, албатта. У кундан-кунга ўз спорт формасини яхшилаб, жаҳон ареналарида номдор хорижлик спортчилар учун энг хавфли рақибга айланмоқда.

Хусусан, Алматида кечган мусобақада Руслан даст кўтаришда 193 кг натижа билан олтин, силтаб кўтаришда 239 кг натижа билан бронза, иккикураш якунарига кўра эса 432 кг натижа билан кумуш соҳиби бўлди. Шунингдек, у 2013 йили Польшада бўлган жаҳон чемпионатида иккикураш якунарига кўра қайд этган шахсий рекордини (425 кг) янгиллади.

Яна бир илғи тўқ спортчимиз Улуғбек Алимов эса силтаб кўтариш борасида 213 килограмм тошни боши узра кўтариб, кумуш медал эгаси бўлди. Қолаверса, шу йили август ойида Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтган II ўсмирлар Олимпи-

адасида Фарҳодбек Собиров ва Адҳамжон Эргашев ўз вазн тоифасида кумуш ва бронза, бироқ кейин Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида оғир атлетикачимиз Махлиё Тоғаева иккикурашда бронза медални қўлга киритгани ҳам бу жабҳада эришган ютуқларимиз ифодасидир.

Тошкент шаҳрида давом этаётган оғир атлетика бўйича I Афро-Осиё чемпионати ва Осиё кубогида ҳам атлетларимиз муносиб қатнашмоқда. Мусобақанинг иккинчи кунини Сардор Дўстмуродов 105 ки-



лограммага бўлган полвонлар баҳсида иккита олтин ва битта кумуш медални қўлга киритди. III Осиё кубогида спортчимиз Аваз Ибиев 105 килограммга вазн тоифасида бир йўла учта кумуш медал соҳибига айланди.

Асосийси, мазкур мусобақалар 2016 йилги ёзи Олимпиадага тайёрларлик кўраётган полвонларимиз учун навбатдаги ўзига хос босқич вазифасини ҳам ўтамоқда.

Зоҳиджон ХОЛОВ



«ОЛТИН ТЎП»ГА КИМ МУНОСИБ?

«Манчестер Юнайтед» футбол клуби бош мураббий Луи ван Гал ҳам кўплаб машҳур мутахассислар сингари «Олтин тўп» соврини Германия миллий терма жамоаси етакчиларидан бирига берилиши адолатли бўлишини таъкидлади.

Ўтаётган мавсумда Роналду «Реал» билан Европа чемпионлар лигасида зафар қўчган ва бир қатор рекордлар қайд этган бўлса-да, йилнинг асосий воқеалиги — жаҳон чемпионатида Португалия терма жамоаси билан ғўрҳудан ҳам чиқилмади. Месси эса «Барса» сафида мавсумни совринсиз якунлади. Гарчи Аргентина термаси сафида мундиал финалига етиб борган бўлса-да, ҳал қилувчи ўйинда «немиш машинаси»га қарши ҳеч нарса қўлолмади.

— Ҳаммамиз «Олтин тўп»га кўпроқ машҳурларни лойиқ қўраимиз, — деди Луи ван Гал. «МЮ»нинг расмий телеканалига берган интервьюсида. — Уйлашимча, уни яна Роналду ёки Месси олади. Бироқ бундай нуфузли соврин бирор турирда зафар қўчган футболчига берилиши керак. Уша турнирларнинг энг зўри, шубҳасиз, жаҳон чемпионати. Умид қиламизки, ютук бу сафар Германия терма жамоаси аъзоларидан бирига берилади. Чунки улар мавсум давомида шунга ҳаммадан кўра кўпроқ муносиб эканини исботлашди.

Айни пайтда бўлганидан голкипер Мануэль Нойер ва Томас Мюллер «Олтин тўп»га асосий давогар бўлиб турибди.

ШУМАХЕР ХОТИРАСИНИ ЙЎҚОТМОҚДА

«ФОРМУЛА-1» мусобақаларининг етти қарра ғолиби Михаэль Шумахер бошидан оғир кунларни ўтказмоқда. Фажа бўлиб ногиронлар аравасига михлиниб қолган собиқ спортчининг хотираси тобора сўниб, сўзлаш қобилияти ҳам йўқолиб бормоқда.



«Пойгалар қироли»нинг ушбу аянчли ҳолати ҳақида германиялик ҳамкасблари ва франциялик спортчи дўсти Филипп Стрейфф «F1.com» сайтига хабар берган. Хабарингиз бўлса, Шумахер 2013 йил 29 декабрда Альп тоғларида ҳалати учатиб йиқилган ва бошидан оғир жароҳат олган. Шундан сўнг қарийб йил қол ҳолатида яшайди. Спортчи кўзини очган, Греноблдан Лозаннадаги клиникага, кейин узок муддатли реабилитация учун уйига юборилганди.

СТАРРИЖ ЯНА ЖАРОҲАТЛАНДИ

«Ливерпул» клуби ҳужумчиси Даниел Старриж яқиндагина жароҳатидан қутулиб, машғулотларга қайтганидан хабарингиз бор. Аммо тайёргарлик жараёнида яна жароҳат олди ва шифохонага юборилди.

25 ёшли футболчи августда сон мушакларини жароҳатлаб олгани боис ўн ойга сафдан чиққан, барча муложалар тугаб, Англия премьер лигасининг навбатдаги турида «Кристал Пэлас»га қарши ўйинга тушиб, жорий мавсумдаги илк учрашувини ўтказиши таъмин қилинётганди. Клуб шифокорлари Даниелни қўриқдан ўтказган, яна олти ҳафта даволашни лозимлигини билдирди. Демак, у ЕЧЛнинг гуруҳ босқичини, миллий чемпионат доирасида эса «Манчестер Юнайтед» ва «Арсенал»га қарши муҳим матларни ўтказиб юборди.

Энг қизиқ, унинг ўрнини тўлдиршига иштирок этган Марио Балотелли, Рики Ламберт ва Фабио Борини клуб сафида жами 888 дақиқа тўп сурганига қарамай, учови ҳам ҳали бирорта гол урмади.

БОКС: ҚИЗГИН ЖАНГЛАР АРАФАСИДА

Бокс бўйича супероғир вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги камарига даъвогар олмониялик Мануэль Чарр америкалик ҳамкасби Шэннон Бриггсга саралаш жангига таклиф этди, дея хабар берди «BoxingScene.com» нашри.



Ушбу муштлашувда зафар қўчган боксчи камарнинг амалдаги эгаси украиналик Владимир Кличкога қарши жанг ўтказиш иккинчи эга бўлади. Маълумки, Кличко ўтган ҳафтада болгариялик даъвогар Кубрат Пулевни нокаутга уратганди.

Айни дамда В.Кличконинг ўзи Беремейн Стивенс ва Деонтей Уайлдер ўртасида ўтказилиши режалаштирилган жанг ғолибига қарши WBC чемпионлик камари учун рингга чиқишини мўължалламоқда. Бир йўла учтаасиф бўйича чемпионлик камарига эга Владимир бир вақтлар акиси Виталийга тегишли камарни ҳам ўз ичига қилиб олиш ниятида.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Дехли шаҳри(Хиндистон пойтахти)да давом этаётган ITF туркумига кирувчи халқаро турнирда теннисчилари Сабина Шарипова хитойлик Лу Цзя-Цзинни енгиб, чорак финалга чиқди.

Сабина учрашувнинг илк сетада имкониятни бой берган (3:6) бўлса-да, кейинги икки сетда ўз иродасини намойиш этиб, 6:4, 7:6 ҳисобида зафар қучди. Унинг гадаги рақибаси украиналик Анастасия Васильева.

Пхукет шаҳри(Таиланд)да бўлиб ўтаётган Осиё соҳил ўйинларида 32 нафар спортчимиз самбо, соҳил футбол, муайтай, кураш, триатлон ва замонавий бешкураш бўйича мусобақаларда иштирок этишмоқда.

«С» гуруҳидан ўрин олган футболчиларимиз 5—8-ўринлар учун кечган курашда Таиланд терма жамоасини 5:3 ҳисобида мағлуб этди. Кеча Аҳад Юсупов шоғирлар 5-ўрин учун Уммон терма жамоасига қарши баҳс олиб борди.

Айни пайтда спорт делегациямиз ҳисобида 2 олтин ва 6 бронза медал бор.

Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ»да «Sport World Uzbekistan-2014» ва «Болалик дунёси-2014» халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди. Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси, Болалар спортини ри-

вожлантириш жамғармаси кўмагида «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуи томонидан ташкил этилган тадбирларда мамлакатимизда фаолият юритаётган спорт ускуналари, анжомлари ва қиймилари ишлаб чиқарувчи 30дан ортиқ компания иштирок этди.

Айтиш кераки, айни кунларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида юртимизда 1500дан ортиқ болалар спорт объекти фаолият юритаётган бўлса, улар асосан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган спорт инвентарлари билан жиҳозланмоқда. Спорт иншоотларимизда мавжуд 120 турдаги спорт инвентари ва ускуналарининг 116таси юртимиздаги қорхоналар маҳсулотидир.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Кунлар совий бошлаши билан турли иситиш мосламаларидан фойдаланишга эҳтиёж ортади. Айрим беэътибор юртдошларимизнинг эҳтиётсизлиги, кўбала электр мосламаларидан фойдаланиши натижасида эса ёнгин содир бўлиш эҳтимоли кучаяди.

Шу муносабат билан қорхона ва ташкилотлар, жамоат жойлари ҳамда ўқув муассасаларида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Тадбирларда соҳа ходимлари ёнгин офатининг олдини олиш борасида амалий кўрсатмалар бериб, қўлбола ўчоқ ва газ қурilmаларини умуман ишлатмаслик,

иситиш мосламалари атрофида қиймиларни ёймаслик, очик алангадан фойдаланаётганда эҳтиёт бўлиш зарурлигини таъкидлаётди.

Ёнгин хавфсизлиги қондаларига мунтазам риоя қилсак, яқинларимизнинг ҳаётини, йиллаб тўпланган мол-мулкимизни, уй-жойимизни асраган бўламиз. Зеро, ҳушёрлик, огоҳлик бугунги кунимизнинг энг зарур талабидир.

М.ХАСИМОВ

12-ХҲО 11-ХҲ алоҳида пости кичик инспектори, сафдор



(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан «Камалак» юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалида қатнашиш истагини билдирган 37600 нафар боладан (бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 3,5 минг нафар кўп) аризалар қабул қилинган бўлиб, бу энг чекка қишлоқлардаги болаларга ҳам фестивалда ўз иқтидорини синаб кўриш имконини яратди. Фестивалнинг вилоят босқичида 7212 нафар ёш истеъдод эгаси ўз маҳоратини намойиш этди. Олти йўналишнинг ҳар биридан 3 ёш тоифаси бўйича ғолиблар республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди. Якуний босқич доирасида иштирокчилар учун Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи, Миллий рақс ва хореография олий мактаби, республика рассомчилик коллежи, Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида маданият ва санъат арбоблари, рассомлар, халқ усталарининг маҳорат дарслари, «Устоз сабоқлари» мавзусида машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон тарихи ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейларига саёҳат уюштирилди.

...Муҳташам сарой сахнасида ўз санъатини намойиш қилиш учун парда ортида тайёргарлик кўриб турган кичкинтойларни суҳбатга тортамыз. Улар Кўнғирот туманидаги 14-МТМнинг «Қалдирғоч» жамоаси аъзолари экан. Бадий раҳбар Гулшад Истлётанинг айтишича, 12 нафар шогирди бугун жаҳон рақсларидан ижро этаркан.

Юнусобод туманидаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактабининг хушовоз ўқувчилари жамланган хор жамоаси эса Наталья Нам бошчилигида овоз созлаш машқларини яна бир бор такрорлашмоқда.

— Биз бугун гуруҳимиздаги акаопаларим билан катта ашуллалар жамланмаси — попуurrини ижро этамыз. Устозимиз Фафуржон Юнусов ўргатган кўшиқларни айтиб, фестивалда фольклор йўналиши бўйича ғолиб бўлдик, — дейди Учкўприк туманидаги 20-БМСМнинг 3-синф ўқувчиси, жамоанинг энг кичик вакили Аслиддин Аъзамов.

Сахнада бирин-кетин ўз иқтидорларини намоеён этаётган, турли-туман кўшиқлар куйлаб, миллий ва замонавий чолғуларни моҳирлик билан чалаётган, кўзни қувнатар рақсларни ижро этаётган ўғил-қизларни кўриб, дилингиз яйрайди, қалбингиз ҳаяжонга тўлади.

Таъкидлаш лозимки, фестивалнинг республика босқичи ғолибларининг ижодий фаолияти ташкилотчилар томонидан доимий қўллаб-қувватланади ва ривожлантириб борилади. Жумладан, ғолибларнинг юртимиз бўйлаб ижодий учрашувлари ва концерт дастурлари ташкил этилади. Тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган болаларнинг ижодий ишлари каталоги тузилиб, болалар нашрларида ва алоҳида тўплам шаклида чоп этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, фестивалнинг ҳар бир ғолибига «Камолот» ёшлар оромгоҳида ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун йўлланма берилди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» муҳбириБурхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'rta maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1124. Tiraji 38928.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 23.50 Topshirildi — 00.25

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Rayhona XO'JAYEVA.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.